

МУҚАДДАС СОЛИҲ ҚИЗИ

# **ФАЗИЛАТИМ — ФОЗИЛАЛИГИМ**

*Мақолалар,  
воқеий ҳикоялар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

84(59)6  
M-95

### Муқаддас Солиҳ қизи

Фазилатим — фозилалитим: Мақолалар, воқеий ҳикоялар. —  
Т.: «Шарқ», 2006. — 80 б.


Муқаддас Солиҳ қизи Абдусаматованинг «Фазилатим — фозилалитим» тўпламида фаний дунёнинг ишларига оид лавҳа, ҳикоя ва мақолалар ўрин олган. Тўплам «Аёл фазилати билан гузал», «Яхшилардан сўз очдик» ва «Воқеий ҳикоялар» номли уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда лобарлик, назокат, поклик, зеболикка ухшаш котин-қизларга хос хислатлар тараннум қилинган. Иккинчи қисмда эса муаллиф марҳум адиб Улмас Умарбеков билан ўлимидан бир неча кун аввал қилган сўзбати, бир пайтлар Ўзбекистон булбули таърифини олган хонанда Ҳалима Носирова, саксон-тўқсон ешга қадар қудалик ва дўстлик риштасини узмаган Турсуной ва Карима аяларга бағишлаб ёзган мақолаларини тавсия қилади. Учинчи қисмда шу кунларда атрофимизда рўй бераётган гоҳ ижобий, гоҳ салбий ҳодисаларга оид бадиий ҳикоялар ўрин олган. Бир сўз билан айтганда ушбу китоб Сизнинг дунёқарашингизни, маънавиятингизни бойитиши шубҳасиз.

ББК 84(59)6.

Ю 32447

291

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2006.





*Аёл фазилати  
билан иўзал...*



## ИРОДА

Аёлни безатувчи муҳим хислат. Оилада, жамиятда ўрни топишда асқотади. Ҳаёт тўлқинлари-ю, турмуш тўфонларидан бутун чиқишимизда зарур асо ҳам. Аллоҳ ўз бандасини, жумладан аёлни яратаётганида пешонасига эҳ-ҳе, нималарни битмас экан. Бировни тақдир денгизида текис сузувчи, бировни шу денгизнинг катта балиқларига ем қилувчи, яна бировни тўлқинлар гирдобига гарқ бўлгучи... Шу аснода аёلнинг иродасини имтиҳонга олгучи экан.

Ирода бошқа фазилатларга ўхшаш кўзга кўринмас. У вужудимиздаги қалб деб аталмиш муқаддас қасрга жойлашган. Айтилик, сиз турмушга чиқдингиз. Узингизни бахтнинг энг чуққисидан кўрмоқчисиз. Дастлаб шундай бўлди. Назарингизда ҳаёт доимо шундай ширин... ой ўтди, йил ўтди. Тасодиф эрингиз кўтариб юрган кафтидан сизни ерга тушириб юборди. Ҳозирча йиқилмадингиз, қоқилдингиз. Хаёлингизда фикрлар гулгун. Наҳотки... Тушкунлик ўз домига тортаётганда қалб кошонангиздан ирода отилиб чиқди, суҳбатга тортди.

— Енгилма, қарши кураш, уткинчи. Қаддингни гоз тут.

Сиз унга қулоқ тутдингиз. Бу эр кишига маъқул тушди. У сизни яна кафтига олди. Уйнаб-кулиб бахтингиздан масрур эдингиз, ишхонада хизмат юзасидан «қоқилиб» қолдингиз. Ганимлар, қийинчилик... Бушашга қарор қилдингиз. Иродангиз ёрдамга келди.

— Ўз касбингни севасан, билиминг етарли. Мен борман, гайратни ишга сол.

Сиз кучингизга ишониб, иродани қўлга олиб, йўлда давом этдингиз. Ҳадемай ҳурмат-эътиборингиз аввалгидан ҳам ошди. Ҳаёт янада тотли туюла бошлади. Эртанги кунга булган умид, ишончингиз янада ёрқинлашди.

Бир аёлни танийман. Жуда гўзал, бокира қиз эди. Синфдошини яхши кўраркан. Ёлгиз фарзанд бўлгани учун онаси йўқ демади. Не-не орзу-умидлар билан катта тўй қилишди.

Чиндан-да йигит уни кафтида эмас, дастлаб бошида кўтариб юрди. Фарзанд кўришди — қиз. Уларнинг бахтли ҳаётига ҳамма ҳавас қиларди. Чунки йигит ҳам келишган, кўркам, оилапарвар эди. Хотини Лола ёлғиз қиз бўлгани учун ичкуёв бўлганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, нимагадир иши юришмай қолди. Қайнона «пул топмаяпсан» мазмунида гап ташлади. Йигит хижолатда. Майда-чуйда гап чиқа бошлади. Иккинчи қиз тугилди. Оилага дарэ кетди. Қайнонанинг миннати оғир ботадиган булди. Ажралишди. Лола йиглади, куйди, охири кўнди. Кўп ўтмай иккита боласи билан уйланмаган қўшни йигитга турмушга чиқди. Яна ичкуёв. Онаси ҳам турмушга чиқиб, уйни уларга қолдирди. Ширин, тотли ҳаёт бошланди. Йигитни топиш-тутишининг тайини йўқ эди. Яхшиямки, онаси катта лавозимда. Қурби етади. Биринчи эри ҳам болаларига моддий ёрдам бериб турди. Учинчи фарзанд тугилди — утил. Аммо тақдир Лолани яна тегирмон тошига ташлади. Худди шу пайтда Лола иродасини ишга солди.

Тушқунликка тушмади. Олийгоҳни тугатиб, илмий ишга киришди. Фарзандлари бири иккинчисини етаклаб ўсаверди. Онаси кўмаклашди. Ишга кирди. Болалар тиш касалликлари бўйича номзодлигини ёқлади. Бу республикада ушбу мавзудаги биринчи илмий иш эди. Энди унинг собиқ ҳар иккала эри олдида юзэ ёруғ, қадди тик эди. Ирода уни мақсад сари етаклади, фан докторлигини ният қилди.

Сиз яна мағрур ва масрурсиз. Бахтингиз баркамол. Кутилмаганда тақдир яна имтиҳонга олди. Тақдир кемангиз тўфонга учради. Фарзандлар ташвиши, иш, уй. Бир ёқда соғлиқ емирилмоқда. Энди ёш эмассиз. Сиз тўфон ичида осонгина гарқ бўлмоқчисиз. Уй-фикрлар гирдобидасиз. Шу дам қалбингиздаги ирода бурон бўлиб, тўфонга қарши туради. Қийинчиликлар ўтади, эртаб ёрқин, индин куёшли деган умид вужудингизни қамрайди. Ирода сизни олдинга, ёруғликка, нурга етаклайди. Бу ҳам Аллоҳнинг бир синови, деган фикр таскин беради. Ниҳоят тўфон чекинади, қийинчилик ортда қолди. Сиз ҳам худди Лолага ўхшаб ҳаётдан, бахтдан, энг муҳими — тўрт мучалингиз соғлигидан мамнунсиз. Шукрона қиласиз. Одамлар орасида ҳурматлисиз. Кези келганда улар сиздан ибрат олишади: «Иродасини кўрдингми? Шунча қийинчиликларга дош берди. Аёл боши билан уларни енгиб

утди. Асло букилмади. Енгди. Енгилмади», — деб алқашади.

Киройи шундай ирода эзгу ниятли ҳар бир аёл қалб қасрини асло тарк этмасин.

## БИР ҲОВУЧ ИБО

Шундай афсона бор. Одам Ато аввал эркакларни яратган экан. Уларга қўлидаги бор нарсаларни сарфлабди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан улар ёлворишибди. Бизга ҳаётнинг қизиғи бўлмаёпти, зерикаймиз, дейишибди. Шунда, аёлни яратар экан, оламдаги борки гузалликларни, дейлик гулларнинг чиройи-ю, атрини, елларнинг майинлигини, беқарорлигини, қуённинг чаққонлигини, товуснинг мафтункорлигини — барча-барчасини унда мужассам этибди. Охирида бир ҳовуч ибо қўшиб, унинг малоҳатини зиёда қилибди. Айтибдики, ким ушбу ибони, вафони, онлани азиз билса, ўзи ҳам азиз бўлади.

Очигини айтсам, кейинги пайтларда уйланиб қоладиган бўлдим. Назаримда аёлларнинг, қизларнинг ўзларига ярашиқлик хислатлари, фазилатлари чамаси арзонлашиб кетди. Бир ҳовуч ибо ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Нега дейсизми? Баъзиларимиз замон зайли баҳона, тадбиркорлик «ниқоб»ини кийдик. Бола тарбияси, уй юмушлари деган нарсаларни нари суриб қўйдик. Урнига эркакларнинг деярли барча юмушларини — қоп кўтаришу пул топиб рўзгор тебратиш, ҳатто уй қуришгача бўлган ишларни зиммамизга олдик. Албатта, бу давр талаби ҳам дейишимиз мумкин. Қарши эмасмиз. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам биз, аёллар, қизлар ўз фазилатларимизни, ибонифатни унутмаслигимиз лозим.

Бир аёлни танийман. Суҳбатлашсам гапига тўймасдим. Кўрдим дегунча ҳавасим келарди. Доимо ораста юрарди. Қошидан усма аримасди. Иззат-иқром, илтифотни ўрнига қўярди. Эрта кетиб, ишдан кеч қайтса ҳам доимо уйида саранжом-сарипталиқ ҳукм суларди. Эр-хотин ишлаб, икки фарзандни муносиб тарбиялашаётган эди.

Бошқаларга қўшилиб, у ҳам «бизнес»га урганди. Аввал кичикроқ, кейин эса юртма-юрт юриб, катта «бизнес»га ўтди. Оилада болалар қаровсиз қолиб, эр ишдан бўшади. Аёл

қўлида мўмай пул бўлгани учун муомаласи, дунёқараш и ўзгарди. Уша аввалги латофат, назокат, ибo, мулоиймлиқ ўрнини энди қўполлиқ эгаллади. Айниқса машина олиб, ўзи ҳайдай бошлаганда эркакшода бўлди-қўйди. Эри уни ўзича тарбияламоқчи бўлиб гап очганда, бир сўз билан «ўтқазиб» қўяди ҳам. Охири ажралишди.

Уй рўзгорини, болаларини ҳамда ўз иш вазифасини муносиб бажараётганлар кўп. Улардан фақат ўрناق олиш лозим. Лекин аёл бўлганимдан кейин гўзаллигимдан фойдаланай қабилада иш тутаётганлар ҳам орамизда, ёнгинамизда юришибди. Одам Ато берган ўша тулкининг айёрлигини ишга солиб, ўзгаларнинг оиласини бузишмоқда. Ёки инсоф-диёнатли, садоқатли турмуш ўртоғи ўрнига тагида машина, чўнтаги тўла пул бўлган ишбилармонларни афзал кўраётган хотин-қизлар ўша бир ҳовуч ибони оёқости қилишаётганини сезишмайди чоғи. Бундайлар, назаримда бутунини, эртасини кўради, холос. Ундан олисроқни кўра олишмайди. Аслида-чи, буни ҳаёт, қайтар дунё дейдилар. Аллоҳ ҳисоб-китобда сира адашмаган дейишади. Ёдингизда бўлса керак, йигит ўзининг кекса отасини «Борса-келмас»га олиб кетаётганда харсангтош устида ҳордиқ чиқаришаётган пайт ота мийиғида кулади. Йигит ҳайрон, нега куляпсиз, мен сизни «Борса-келмас»га олиб кетаяпман деса, донишманд ота: «Мен ҳам отамни «Борса-келмас»га олиб кетаётганимда худди шу ерда дам олгандим» дейди. Булар бежиз айтилмаган. Биз, аёлларни ҳаёт кўрки дейишар экан, шу мақтовга муносиб бўлишимиз лозим. Кези келганда ўша ҳийла-найрангларни фақат яхшилиқ, хонадонимиз осойишталиғи учун ишлатсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир ҳовуч ибoга содиқ қолган, оила ва фарзандни муқаддас билган, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнига, мавқеига эришган аёллар бахтлидир.

Улар сафи яна ҳам кенгайсин.

## ПОКИЗАЛИК, ПОКЛИК

Ушбу суҳбатни Юсуф Товаслийнинг ривоят-сабоғидан бошлашни лозим топдик. Бир куни ҳазрат Умарнинг ҳузурига бир аёл келди ва қўли билан кўрсатиб:

— Ё Амирал-мўминин! Бу киши менинг оилам бўлади-

лар. Уч ойдирки, булар билан тотув яшашга ҳаракат қилдим. Бироқ уларда бунга рағбат кўрмадим. Бир-биримизни тушуна олмаслигимизга ақлим етгани учун ажралишмоқчиман, — деди.

Ҳазрат Умар қаршисида индамай турган одамдан:

— Хотинингга нима дейсан? — деди.

У одам:

— Ё Амирал-мўминин! Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ, ажралишни истамайман, — деди.

Ҳазрат Умар аҳволни яхши тушунди. У одамнинг кийиниши яхши эмас эди. Ҳазрат Умар у аёлга:

— Ҳозир уйингга кетгин-да, бир оздан кейин келгин.

Биз эринг билан озгина суҳбатлашиб оламиз, — деди.

Ҳазрат Умар ул одамни ҳаммомда ювинтириб, тоза кийимлар кийгизишни, чиройли кўринишга келтиришни буюрди. Ул одамни покиза бир ҳолга келтирдилар. Бир оз вақт уттач, хотини келди. Эрини тоза кийимларда, чиройли бўлиб кетганини кўргач, беихтиёр қувониб кетди. Ҳазрат Умар:

— Хоним, мана эрингиз. Энди хушчақчақ бўлиб, суюниб уйингизга боринг, — деди.

Хотин хўжасининг қўлидан ушлаб, «Юринг, кетамиз!» деди. Улар ҳазрат Умарга раҳматлар айтиб, уйларига кетдилар.

Ҳазрат Умар у ерда ҳозир бўлганларга:

— Сизлар оилаларингизнинг (аёлларингизнинг) яхши ва покиза кийиниб, ширин сўзлар-ла кутиб олишларини севганингиз каби, улар ҳам сизни покиза ва яхши кийинганингиздан завқ оладилар, сизларни ясанган бир ҳолда кўришни истайдилар, — деди.

Аҳамият берган бўлсангиз, ҳазрат бу ерда бир ўқ билан икки кўнни уряпти. Биринчиси, покизалик барча учун бирдек зарурлиги бўлса, иккинчидан, эр кишининг қанчалик кўркам, покиза юриши аёл кишига кўп жиҳатдан боғлиқлигини назарда тутмоқчи. Қолаверса, бу ривоятда устки кўринишдаги покизалик билан бирга қалбан, ички виждоний покликка ҳам ишора қилингандек туюлади. Чунки буларнинг ҳар иккиси бир-бирига чунонам боғлиқ экани барчамизга маълум.

Дил поклиги, покизалик ҳар бир аёл учун ажойиб хислат, маънавий неъматдир ҳам. Бундай аёллар оилага, эрига садоқатли, фарзандларига меҳрибон бўлади. Хонадонларида ҳам

озодалик, саранжом-сариншталик ҳукм суради. Баъзи аёллар ўзларига қараб, озода кийиниб, пардоз-андозни жойига қўядилар. Куп ҳолларда уйларига борсангиз, бетартиб, бесаранжом. Аммо бир нарса маълумки, қалбан ва жисман покиза аёлларнинг чеҳрасида албатта нур, ўзларига тортувчи оҳанраболари бўлади.

Дунёда энг олий ҳакам Яратган Эгам, дейдилар. Орамизда билиб-билмай, баъзан ёшлик туфайли, баъзан дуру жавохирларга безаниш мақсадида нопоклик сари қадам қўйгувчилар ҳам йўқ эмас.

*Аёл утса, ул кўчанинг яшнагани,  
кулгани,  
Уша лаҳза латофат ва назокатга  
тулгани.  
Қадрин билмай эгри қўйса  
қадамини мабодо,  
Уша лаҳза ул аёлнинг тириклайин  
улгани.*

Шу ўринда мисол келтироқчиман. Бир аёлни ёшлигидан биламан. Бир қизи билан эридан ажрашган эди. Ёш, чиройли бўлгани учун фарзандини онасига қолдириб, ўзи ёшлик гаштини суришга киришди. Узини минг қўйга солиб, охири бир йигитни танлади. Йигит аёл ҳақида эшитган барча салбий гапларга кўзини юмди. Унинг қизини ўзининг фамилиясига утказди. Уртада угил тугилди. Лекин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, у илмий мудир бўлиб ишлаётган мактабда ўзидан 10—15 яшар ёш йигит билан нопокликка қадам қўйди. Албатта аёлнинг кўзига уйдаги эри, йигитга эса хотини ёмон кўрина бошлади. Охири аёл эридан ажраб, унга тегди. Ўғил-қизини ўзи билан олиб кетди. Жазмани эса бола-чақасини ташлаб, уларга оталик қилди. Лекин... Аллоҳ кечирсину, йиллар ўтиб аввал ўгли, сўнгра қизи ҳаётдан кўз юмди. Шунда кўпчилик «Саёқ юрганининг таъсири болаларига урди» деган хулосага келишди. Аёл қанча дод-вой қилмасин, Аллоҳнинг ҳукмини ўзгартира олмади. Ҳаётда ҳар бир «салом»нинг «алик»и бор, деганлари шу бўлса керак.

Покиза, пок аёлларнинг жамиятда ҳам, оилада ҳам юзи ёруғ, кўнгли хотиржам. Охиратни ўйлаганда эса талвасага

тушмайди. Чунки имони бут, виждони тоза, пок. Бир лаҳза-лик завқ, ором, ишрат деб Аллоҳ олдида ўзини ёки фарзандлари умрини гаровга қўйишдан асрасин. Биз покизалик, поклик ҳар бир аёл учун қалб мулки бўлиб қолишини чин юракдан тилаган ҳолда ушбу суҳбатга нуқта қўйдик.

## ТАМАННОЛИК

*Ярим ижобий, баъзида ярим салбий фазилат.  
Нега дейсизми?*

Ижобийлиги шундаки, у аёлларга ҳам, қизларга ҳам гўзаллик бахш этади. Узгаларни маҳлиё қилади. Янги тупган келинчакни кўз олдингизга келтиринг. Қадамини бир-бир босиб, таманнолик билан чой узатади. Яна шундай мулоим ҳаракатлар ила ортига қайтади. Баъзи хотин-қизларда ана шу таманнолик ёшлиқдан вужудига сингади. Юриш-туришида, сўзлашишида, рақсга тушишида, кийинишида ҳам ифодаланади. Таманнолик бамисоли бир куй. Келишган қоматга мос виқор билан юриш, ораста чехрага ярашиқлик нигоҳ, сўзлардаги майин товуш сизга «Муножот» ёхуд «Чули ироқ» куйини эслатади. Мусиқа тинглагандек маҳлиё боқар экансиз, шу дам дилингизда бир ажиб завқ уйғониб, куй оҳангига ғарқ бўлгандек сезасиз.

*Дилбар утди ёнимдан, юрди*  
таманно,

*Нигоҳ ташлаб мен томон кулди*  
таманно.

*Маҳлиё булиб шу дам ул қоши*  
камоно.

*Бир мен эмас кўкда ой бўлди*  
таманно.

Баъзи ўринларда таманнолик вазминлик билан уйғунлашиб кетади. Шу боис у фақат ёшларда эмас, балки катта ёшдаги онахонларда ҳам мужассам бўлади. Аҳамият берган бўлсангиз, айрим хотин-қизлар, айниқса кекса онахонларда ўзига тортувчи оҳанграбо мавжуд. Юзлари фариштали, сўзлари ёқимли. Қараб, гаплашиб тўймайсан киши. Фалсафа фанлари

доктори Хатима опа Шайхова, архитектор Тўлқинной Қодирова кабилар билан учрашганимда шундай тўйғуни ҳис қилман. Уларнинг бирлари саксонни, иккинчилари эса етмишни қоралаб қолишди. Аллоҳга шукр. Ёмон кўздан асрасину, илму фандаги изланишлар, илмий ишлар, оналик, бувилик ташвишлари, оиладаги бекалик масъулиятлари — ҳамма-ҳаммаси уларда таманнолик билан уйғунлашгани учун ҳам жуда ёш кўринишади. Бундай аёллар ҳар дамда, ҳар қадамда ўзгаларга ибрат бўлгуликдир. Улар орамизда кўп.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, таманноликнинг турли шакли шамойилига кўпинча саҳна орқали рўбарў бўламиз. У ўз ўрнида учраганда баҳор еллари каби ёқимли, гул атри каби хушбўй туюлади.

*Раққоса хиром айлар, нози*

*булакча,*

*Жон олғувси ишваю таманноси*

*булакча,*

*Юзлаб аҳли мухлис боқар*

*маҳлиё,*

*Ҳар бирининг қалбида дил рози*

*булакча.*

Энди унинг салбий ҳолатлари ҳақида тўхталсак. Юқорида айтганимиздек, у айрим хотин-қизлар учун бир неъмат. Шу боис у табиий ифодасини топгандагина ёқимли туюлади, лекин баъзи аёллар борки, улар кўча-кўйда, давраларда ўзларини кўрсатишга уринишади. Натижада улардаги ярашмаган кибру ҳаво, гайритабиий қарашлар сунъий акс этгани учун бошқаларда қизиқиш уйғотмайди. Аксинча, бор яқинликни ҳам узоқлаштириши мумкин.

Кейинги пайтларда таниқли хонандаларнинг саҳнада рақс тушиб, ашула айтиши одат тусини олди. Бу яхши, албатта. Лекин баъзи ҳолларда айрим хонандаларимиз куйга монанд бўламан деб, енгил-елпи ҳаракатлар ила томошабинлар меҳрини совятиб қўймоқда. Аммо ҳам ҳаётдаги, ҳам саҳнадаги гўзал, ўзига ярашиқли, мусиқага монанд нафосат ва таманнолиги билан юзлаб мухлислар ҳурматини қозонаётган санъаткор аёлларимизнинг кўплиги кишини хурсанд қилади.

Бу фазилатнинг яққол ифодасини биз яна янги либосларни намойиш этувчи лобар қизларимизда кўраимиз. Қадам қўйиш-у, ҳаракатлардаги мусиқийлик барчага бирдек ёқади. Шундай экан, ҳар биримиз ўзимизда ушбу фазилатнинг табиий ифодасини мужассам этишга интилиб яшайлик.

## ЛОБАРЛИК — ЧАҚҚОНЛИК

Ҳар бир аёл учун энг муҳим хислат. Аммо у ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу фазилат кўпроқ ёшлиқдан, тарбия жараёнида сингдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Баъзи ота-оналар бунга қизларнинг тетапоя пайтидан аҳамият берадилар.

Ёдингида бўлса керак, она донишманднинг ёнига бориб, қандай қилсам қизим чаққон, лобар ўсади, деб сўраганида, у бир оз ўйланиб, сўнг:

— Бунинг учун, аввало ўзингиз лобар бўлишингиз зарур эди, — деб жавоб берган экан.

Чиндан ҳам уйдаги муҳит, шароит, энг муҳими, онанинг қизига ибрати, таъсири туфайли тугилади бу хислат. Иккинчи галда эса кўп ҳолларда қизларнинг ўзига боғлиқ, ўрганиш, интилиш, ҳаракат, бугунги ишни эртага қўйма, қабилада иш тутиш.

Ёнгинамизда Дилбар исми келин бор. Ота-онасининг олти нафар қизидан учинчиси, жуда катта хонадонга тушди. Ўша пайтда талаба эди. Туйда баъзилар бу хонадонда кўпчилик яшайди, эплаб кетиши қийин, деб тахмин қилди. Туй жуда чиройли ўтди. Турмуш ҳам ширин бошланди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг лобарлиги, чаққонлиги бутун маҳаллага ёйилди. Оила аъзолари кўпчилик, ўзи талаба бўлсада, ҳамма ишни бажариб улгурди. Хонадонга хоҳ кундуз, хоҳ кеч кирманг, ҳозир йиғиштирилгандек озода, саранжом турарди. Маҳалладагилар уни қадамидан ўт чақнайдиган келин, деб аташди. Бу ҳам майлику-я, ширинликлар, таомлар тайёрлашга усталигини айтмайсизми?! Вақт ўтган сари эпитсак, оиладаги олти нафар қизининг барчаси шу тахлит тарбия олган экан. Катталари онасидан, кичиклари опаларидан ибрат

олиб, қолаверса, ўзлари интилиб, шу қадар лобар, чаққон бўлиб ўсишган.

Ҳозир Дилбарнинг бир ўғил ва бир қизи бор. Болаларни ҳам, ишни ҳам, уйни ҳам эплайди. Кўча-кўйда кўрсангиз, ҳавас қиласиз. Чин-чирой, ораста, саломлашганда чеҳрасидаги ярашиқлик табассумидан яйраб кетасиз. Болаларини, эрини, қайнона-қайнотаси парваришини ҳам ўрнига қўяди. Хонадони қачон кирманг, саранжом-сарашта.

Шу ўринда яна бир келин ҳақида тўхталгим келди. У ҳам маҳалламизда яшайди. Жуда бообрў хонадонга тушган, ўзи ҳам шунақа оиладан. Уйда утирган қиз экан. Туй, сеп довруги анча вақтга қадар қўпчиликнинг оғзидан тушмади. Лекин озгина бўлса-да, кибр, манманлик чеҳрасида ёзилган эди. Кўча-кўйда келинларга хос гўзаллик, нафосат билан юради. Лекин унинг «судралган»лиги ҳақида дастлаб қайнонаси гапириб юрди, кейинчалик уйига кирганимизда кўчада юриши билан уй туттиши бутунлай мутаносиб эмаслигининг гувоҳи бўлдик.

Албатта, ҳар бир қиздир, аёлдир ўзини яхши кўришга ҳақли. Лекин у доимо иродали бўлиб, назокат, нафосат, ибо, ифбат, зеболикда бўлгани каби лобарликда ҳам ортда қолмасликка интилиши лозим. Бу фазилатни ёшлиқдан, она бағридан ўзига сингдиришга уринганлар ютади. Бунинг учун эса аввало биз оналар, бувижонлар фарзандларимизга, набираларимизга ўтит, маслаҳатларимизни аямасдан ҳам сўзда, ҳам амалда намуна бўлмоғимиз даркор.

## АНДИША ВА НАЗОКАТ

Бу сўзлар баъзи йигит-қизларимизга тушунарсиз бўлиши ҳам табиий. Лекин ўзбек миллатига хос бу сўзлар бўлган ва бўлади. Авваллари ўзингдан каттага тик қарама, деган гаплар буларди. Нафақат каттага, ҳатто қизлар кўча-кўйда йигитларга тик қарамасди. Улар дил сўзларини шойи қийиқ, чуст, қўқон дўппиларга ипак билан тикиб ёки рўмолчага битиб ифодалашарди. Чунки хотин-қизларга муносиб ва ярашиқлик андиша ва назокат фазилати устун турарди. Бу ўз

ўрнида қиз-жувонларнинг гўзаллигини оширган. Иродадан фарқли ўлароқ, андиша ва назокат кўзга яққол кўринади, у гўзаллик билан уйғунлашиб, ўзига тортади, маҳлиё айлайди.

Айтайлик, сиз чой қўйиб узатмоқчисиз. Уни пиёлага «шариллатиб» эмас, балки пиёлани чойнакка яқин тутиб, оҳиста қўйдингиз. Кейин алтифот билан бир қўлингизни кўксингизга қўйиб, иккинчи қўлингиз билан оҳиста узатдингиз. Сиздан чой кутиб турган рўпарангиздаги киши ҳаракатингизни кузатиб турибди. Назокатингиздан кўзи қувнаяпти, меҳри ошяпти. Баъзи келинлар пиёлани узатганда қўлга бермасдан дастурхонга қўйишади. Бу ўтакетган қўполлик ва ҳурматсизликдир.

Бу фазилат хотин-қизларнинг ҳар бир ҳаракатида мужассам бўлмоғи даркор. Айниқса қайнона ва қайнота олдида, эр киши ишдан қайтган пайтда уни кутиб олишда, ҳатто ошхонада иш қилганда ҳам. Яъни идиш-товоқларнинг «тақир-туқур» товуши бошқаларга эшитилмаслиги сизнинг нечоғлик тўғри ҳаракат қилаётганингиздан, назокатингиздан далолатдир.

Андиша ва назокат кўпроқ рақсларда ҳам мужассам бўлади. Мукаррама Турғунбоева саҳнада «Тановар»ни уйнаётганини кўз олдингизга келтиринг. Уни томоша қилган киши бу хислатнинг завқу тароватидан баҳраманд бўларди. Маданий меросимизга, миллий рақсларимиз оҳорига, ҳатто миллий кийимларимиз чиройига ҳурмати, қизиқиши ортарди. Бунинг устига рақс ижрочисига ярашиқлиги билан эсда қолади. Опа «Тановар»да румолни бошига дол ўраб, беқасам камзул кийиб саҳнага чиққанларининг ўзидаёқ юз ифодаларида чинакам ўзбекона ибo, андиша, нозу карашма уфурарди. Назокат баъзан кўзга кўринмасдан ҳам эҳтирос уйғота олади.

Бу воқеага анча бўлди. Хонада уч-тўрт аёл ўтирардик. Таҳририятимиз раҳбари кирдилар. Ҳар куни эрталаб хонамахона юриб, ходимлар билан салом-алик қилиб чиқадиган одатлари бор эди.

— Қойилман шу аёлга (таниқли шоиралардан бирининг исмини тилга олади), телефонда гаплашаётганда ҳам нозу назокати билан одамни ром этади-я?!

Биз бир-биримизга қарадик.

— Шунақаям буларканми? — деб сўради шеригим.

— Булади. Ҳар бир сўзининг оҳангида, овозида олам олам назокат, ноз уфуради, қанийди ҳамма аёллар шунақа чиройли гапира олса...

Андиша ва назокат фақат ўзбек миллатига мансуб. Уни ота-боболаримиз, момоларимиз тарбия жараёнида бизга сингдиришган. Шундай экан, ҳар биримиз уни ўзимизнинг қалб мулкимизга айлантириб, ҳар томонлама тўла ифодалай олишга, гўзаллик яратишга уринмоғимиз лозим.

## ЗЕБОЛИК ВА ЗУККОЛИК

Катта давраларда, куча-қўйда бошқаларнинг диққатини жалб этгувчи фазилат. Уша кун таҳририят биносидан чиқиб, метронинг «Мустақиллик майдони» бекати томон бораётгандим. «Демир» ёнидаги чорраҳага етганимда рўпарада келаётган аёлга кўзим тушди. Силлиқ таралган сочлари турмакланган, қошида ўсма, кўзидаги сурма тим қора, чарос кўзларининг нигоҳларини ўткирлаштирган. Эгнидаги қора либос елкасига ташланган ялтироқ шарф билан мутаносиб, тик ва келишган қомати кўчани тўлдирарди гўё. Ширин ҳавас билан боқдим унга. Бошқа йўловчилар ҳам бир-бир кўз қирларини ташлаб ўтишарди. Йўлда олдинма-кейин кетяпмиз. «Худди шунақа қора либос менда ҳам бор-ку, кийсам буларкан», уйладим ўзимча. Сайилгоҳ кўчасига етгач, ўзимча суҳбатга тортдим: «Ёмон кўздан асрасин, кўзмунчоқ тақиб юринг».

— Эътиборингиз учун ташаккур, — деди у ўзига ярашиқли табассум билан. — Қудаларимни кутиб олишим керак. «Зарафшон»да тадбир бор экан, — қўшиб қўйди ён-атрофга қараб.

Бу гапидан кейин қизиқишим яна ортди. Унинг нафақат зебо, балки зукко, доно эканлигига ҳам ишондим, йўл-йўлаккай Раънохондаги (исмини шундай деб таништирди) гўзаллик таассуроти ҳамроҳим бўлиб, кайфиятим очилиб бордим. Кетаяпман-у, бир пайтлар катта лавозимда ишлайдиган раҳбарнинг суҳбат чоғида айтган гапи ёдимга тушди. «Агар эрталаб келиноийингиз мен тургунга қадар пардоз-андоз қилмаса, уйдан чой ичмасдан чиқиб кетаман». Уша пайтда бу

менга эриш туюлганди. Наҳотки, деб ўйлагандим. Орадан йиллар ўтди. Чиндан ҳам ҳар бир аёл биринчи галда зеболикка интилувчан бўлиши зарурлигини ўқдим. Чунки аёл сўзининг ўзида назокат, нафосат, зеболик мужассам. Буни қанчалик ифодалай олиш ўзига боғлиқ.

Яна бир мисол. «Дархон» маҳалласига янги кўчиб келган пайтимиз. Йўлдош Охунбобоевнинг оилалари ҳам кўшни эканини эшитгандик. Ҳайит куни уч-тўрт киши кўргани чиқдик. Туҳсонни оралаб қолган онахон кўпдан бемор эканликларини, юролмасликларини билардик. Аммо ётган жойларида шу қадар зебо эдиларки, барчамиз бирдек ҳайратландик. Онахоннинг кўтаринки кайфияти, юзларидаги атир-упалар, қошкўздаги ўсма-сурма, ҳатто оёқ тирноқларигача ўрнига қўйиб бўялган эди. Оқ ҳарир либосдан мушк-анбар анқиб турарди, сўзамол, доно онахоннинг икки оғиз суҳбатларидан бир олам таассурот билан қайтгандик.

Зеро, ҳаётда барча аёллар ҳам зеболикни ўрнига қўявермайди. Баъзи аёллар эрталаб чой тайёрлашга уриниб, ўзига зеб бериш у ёқда турсин, тунги кўйлакни ечишни ҳам унутади. Уша кийим билан ошхонада уринади. Баъзи аёллар суҳбат ёки давраларда атир-упа ишлатмаслигини мақтаниб гапирарди. Ёки кўпинча ишламасдан ўтирадиган уй бекалари дўкон ё бозор-учарга борганда кийинишдан эринишади. Уйда юрган кийим билан эътибор қилмасдан чиқиб кетаверишади. Назаримда ҳар қандай шароитда, ҳар қандай шошилинич пайтда ҳам аёл киши кўзгуга қараб, ораста юришга уринмоғи даркор. Шунда биринчи галда эри, фарзандлари, қўни-қўшниларнинг ҳам унга нисбатан ҳурмати ортади.

Зеболик ва зукколик ҳар қуни янги, қиммат либос кийиш дегани эмас. Асло, фақат покиза, озода, ораста юриш демакдир. Шу уринда Мукаррама опа Тургунбоевани ёдга оламан. Опанинг вафотларидан кейин эшитдик. Кечкурун меҳмондорчиликка боришган экан. У ердан қайтгач, одатдагидек ювиниб, оҳорли кийим кийиб, қошларига ўзлари ўсма сиқиб қўйган эканлар. Тақдирнинг тақозосини қарангки, бир умр ораста юрган раққосанинг юзлари ўша кеча ўлим олдидан ҳам ўсмадан холи бўлмаган. Ҳар бир аёл зеболиги, зукколиги киройи шундай бўлсин.

## САБРУ ҚАНОАТЛИЛИК

Сабр таги — олтин, деб бежиз айтишмаган. Бу бизга ота-боболаримиздан, момоларимиздан мерос. Сабрли қизлар, қаноатли аёллар ҳаётда кўп эзгу нарсаларга эришиши мумкин. Бесабрлар эса аксинча, омадни қўлдан бой берадилар.

Шу уринда халқимизнинг ардоғида булган Саида Зуннуновани хотирга олгим келди.


...Олтишинчи йиллар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаймиз. Бирга тушлик қиламиз, суҳбатлашамиз. Ушанда Саид Аҳмад ака билан турмуш қурганлари, кейин хонадондаги қийин шароитга қарамасдан йиллар давомида сабр билан кутганларини сўзлаб берсалар, кўзларимдан ёш чиқарди. Опанинг кичкина жуссаларига шунча сабр-қаноат қандай сигди экан, деб ажабланар эдим. Кейин эса ана шу сабру қаноат туфайли ўз бахтларига эришиб, ҳаётда масрур ва мағрур яшаётганларини ҳам фахр билан сўзлардилар.

— Мен нимагаки эришган бўлсам, Саид Аҳмадга булган муҳаббатим ҳамда сабр-қаноатим билан эришдим.

Ардоқли адибанинг ўша пайтда айтган ушбу сўзлари назаримда йиллар оша қадрини йўқотмаган. У ҳамон ҳаётда ўз бахтининг тахтиравонини яратмоқчи булган ҳар бир хотин-қизга мос фазилатдир.

Тўғри, ўша даврлардаги турмуш қийинчиликлари билан ҳозиргисини солиштириб булмайти. Негаки, ҳозирги ёшлар турмушни бекаму кўст бошлайдилар. Ёш оила учун зарурий барча нарсаларни ота-оналар муҳайё қилиб беришади. Вақти келса, ҳатто машина калитини ҳам тутқизишади. Бу ёғига бир-бирига кўникма ҳосил қилиб, шароитга мослашиш қолади, холос. Лекин айрим қизлар-келиндар борки, шунга ҳам сабр қилишмайди. Ҳамма нарсани тез, улар айтган ва хоҳлаган пайтда муҳайё ва бисёр булишини исташади. Турмушнинг «муш» бугинига аҳамият беришмайди. Натижада ўртага совуқчилик тушади. Қарабсизки, ажралиш.

Тадбиркор аёллар учун ҳам сабрлилик зарур фазилатдир. Чунки бирон ишга яхши ният билан қўл урган ишбилармон унинг натижасига эришишга шоммайди, кутади. Сабр қила-



ди. Айтайлик, бирон фирма ёки кичик корхонанинг иши юришиб кетиши учун ёки фермер хўжаликнинг яхши кўрсаткичга эришиши учун ҳам вақт зарур. Афсуски, баъзи ярим йўлда ишни ташлаб кетгувчилар учун вақтни тезлаштириб бўлмайди. Улар қанчалик тезроқ даромад олишга уринмасин, бесабр бўлмасин, вақт у билан ҳисоблашмайди.

Кўпгина ҳолларда, айрим аёлларнинг бесабрлиги туфайли турмуш чорраҳасининг бир неча баҳорини кўрган оилалар ҳам бузилиб кетмоқда.

Турмуш, оила асли камчиликсиз бўлмайди. Ҳар томонлама тўкин, бадастирликка бирданига, ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Тўғрироқ айтадиган бўлсак, ҳозирги йигит-қизларимизни дастлабки тўй куниданоқ юқорига чиқариб қўйяпмиз. Лекин уни қадрлай билишни ўргатмаяпмиз. Моддий тўкинлик бўлгани билан оилада маънавий камчилик сезилиб қоляпти. Аслида эса маънавият устун бўлган жойда ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин.

## ОДАМОХУНЛИК

Аёллар учун мос ва хос бўлган ҳар бир фазилатнинг ўз ўрни бор. Тўғри, одамохунлик фақат хотин-қизлар учун эмас, балки эркаклар учун ҳам зарур хислатдир. У инсон кўнглини ола билишдек ажойиб тўйғуга монанд. Яъни давраларда киришимли, сўзамол, оташнафас бўлишлик. Бу фазилат, айниқса, ҳозирги ўтиш даврида янада муҳим. Чунки ўнлаб, юзлаб хотин-қизларимиз тадбиркорлик камарини белига боғлаб, республика иқтисодийётига муносиб ҳисса қўшишликни чоғлаб, катта-кичик корхоналарни юргизаётганида ҳар қадамда, ҳар дамда керак бўлади. Айтайлик, у кредит олиш мақсадида банкка борди. Мулоқотта киришди. Бир эмас, бир неча киши билан гаплашишга тўғри келди. Шундай пайтларда ундаги одамохунлик қўл келади.

Эътибор қилган бўлсангиз, баъзан катта давраларда бундай хислатли инсонлар билан хоҳ бир нафас бўлсин, хоҳ бир неча вақт қандай тез ўтганини билмай қоласиз. Сўхбат қизи-

гандан қизийди. Гап ҳам дарров қовушиб кетади. Очиқ чеҳралилик, одамшавандалик бор жойга тезда файз ҳам киради. Бу фазилат санъаткор аҳли учун ҳам, қалам аҳли учун ҳам сув ва ҳаводек зарур. Санъаткор, ижодкор аслида халқ учун яшайди. Халқи учун яратади. У ўзини элига, юртига бахшида қилса, эл ҳам уни ардоқлайди. Бунинг учун имкон қадар одамлар орасида кўп бўлиш, шаҳар ва қишлоқларга бориш, борганда ҳам сўлим гўшада «қамалиб» ўтирмасдан одамлар билан учрашиш, уларнинг юрагига «қўл солиш» керак бўлади.

Яна бир мисол. (Бунақаси ҳаётда кўп бўлади.) Баъзан хотин-қизларимиз ўзгаларнинг кийимига қараб муомала қилишади, қўл учида кўришишади. Бундай пайтларда улардаги кибру ҳаво, манманлик кўзга ташланади. Албатта одамохунлик хислатидан йироқ бўлганларгина шундай қилиши мумкин.

Ёки уйингизга узоқ-яқинлардан бири келди иш билан. Сиз унга илтифот кўрсатяпсиз. Лекин нариги хонада юрган қизингиз унга бир қараб қўйди-ю, кириб сўрашмади. Танимади ҳам.

— Қизингизми, — сўради меҳмон ҳам уни кўриб.

Сиз хижолатдасиз. Аслида қизингиз жуда тортинчоқ ёки ўта кибрли, киришимли эмас. Буни меҳмон яхши билмайди. Шу боис:

— Ҳа, ишга шошиб турибди, шунинг учун... — оқламоқчи бўласиз.

Одамохун кишилар ўз фазилатлари билан саломатликларига ҳам фойда келтирадилар. Яъни қаерда бўлсалар ҳам тезда суҳбатдош топиб, ўзини зерикишдан асрайди. Айтайлик, дам олиш жойларида, санаторияларда бўлганингизда бу хислат сиз учун қанчалик зарурлигини кўз олдингизга келтиринг. Одамохунлик билан ширинсуханлик бир-бирига монанд. Ҳар иккисини ўзида мужассам этган аёл, айниқса ҳаётдан ютади. Чунки кайфияти яхши бўлади. Кайфият эса саломатлик гаровидир.

## УЧ ХОНАДОН, УЧ МАНЗАРА

Уни ҳамма танийди. Ҳатто жуда кўп хорижий мамлакатларда асарлари таржимасини қизиқиб ўқишади. «Зангори экран» орқали кўрганда, йигилишларда сўзга чиққанда одамлар унинг ана шу обрў-эътиборига ярашиклигидан яйрашади, ҳавас қилишади.

Унинг уйига бордим. Кўп қаватли бинонинг оддий квартираси. Остонадан утиб атрофга разм соламан. Озода, ораста. Кийим илгичу, оёқ кийим қўядиган жиҳозлар ҳам жуда оддий. Лекин уз ўрнига қўйилган. Менга аввал у кишининг рафиқалари, кейин ўзлари пешвоз чиқишди. Уларнинг самимий илтифот ва такаллуфларидан хижолатда эдим. Ичкарида бошқа катта-кичик меҳмонлар ҳам бор экан. Лекин мезбон ҳаммамизга бирдек муомала қилар, дилхушлик, меҳмоннавозликни ўрнига қўярди. Шу дам ширингина болакай (набираси чоғи) бувасига ниманидир шивирлаб кетди. Бир пиёла чой устида яна атрофга қарайман. Бу ердаги жиҳозлар ҳам, унинг ичидаги идишлар ҳам бошқа юзлаб хонадонлардаги каби оддий, лекин жуда саранжом эди. Хонада биронта ортиқча буюм кўзга ташланмайди. Қандилдан тортиб дарпардагача ҳаммаси эл қатори. Стол атрофидаги муомала, муносабат эса жуда самимий, кишининг дили яйрайди. Шу боис хонадаги ҳамма нарса: эски жиҳозлар ҳам, оддий шиша қандил ҳам, ювилаверганидан ранги бир оз ўчган дарпарда ҳам, ҳаммаси гўзал кўринарди.

Бир оз суҳбатдан сўнг китоб баҳонасида қўшни хонага кирдик. Бу ерда ҳам икки юмшоқ ўриндикни ҳисобга олмганда ортиқча ҳеч нарса йўқ. Фақат китоблар. Жавонларга тартиб билан, чиройли қилиб терилгани учун хонада ўзига хос файз ҳукмрон. Уларга назар ташлаймиз. Жаҳон классиклари-ю, шу кунларда ўзбек адабиётига дадил кириб келаётган ёш ёзувчиларнинг илк тўпламларигача бор. Қизиги шундаки, қаҳрамонимиз зарур китобларни ҳеч қийналмасдан тезда топардилар. Гап орасида у ёки бу китобнинг моҳиятини гапириб ўтардилар. Бу алломанинг неча мингдан ортиқ китобларни деярли ўқиб улгурганидан, маънавий баркамоллиги шу китоблар туфайли эканлигидан далолат берарди. Фақат асарларнинг ўзигина эмас, муаллифлари ҳақида ҳам йўлакай фикр

айтиб утишарди. Хоҳ бадий, хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий китоб бўлмасин, қай бири олдида тўхтасангиз, шу заҳоти қисқа ва тушунарли қилиб гапириб берардилар. Биз зарур масалани ҳал қилиб, хонадан чиқдик. Стол атрофида яна бир пиёладан чой ичилди. Аввал олдинроқ келган меҳмонлар кетишга тараддудланишди. Шу пайт алломанинг яна бир ибратормуз фазилатларига қойил қолдик. У киши ҳам, рафиқалари ҳам меҳмон ўзларидан қарийб икки-уч баравар ёш бўлишидан, оддий хизмат юмуши билан келганидан қатъий назар, то эшиккача кузатиб қўйишди. Кейин суҳбатни давом эттирдик. Яна қўнгироқ чалинди. Мезбон уэр сўраб, ўзлари бориб меҳмонни илтифот билан кутиб олдилар. Дастхатларини олиб мен ҳам кетишга тараддудландим. Аллома ҳозир келган кишига ўтириб туринг, ишорасини қилиб, кузатишга турдилар. Шунда:

— Утираверинг, овора бўлманг, уйингизда келди-кетди кўп экан, ҳаммаларини кутиб олиб, яна бирма-бир кузатиб қўйсангиз, чарчаб қоласиз, — десам:

— Ие, қизим, одам бор жойга одам келади. Бундан сира чарчамайман. Аксинча, завқланаман. Уйимизга икки кун одам келмай қолса, ўзимизни қўярга жой тополмаймиз, — дедилар эшиккача кузатиб. Ташқарига чиқар эканман, шунча мулозамат, илтифот, самимият, китобга меҳр, маънавий бойлик анчагача кўз олдимдан кетмади. Китобнинг куч-қудратига яна таҳсинлар айтиб, йўлда давом этдим.

\* \* \*

Боришим зарур бўлган иккинчи хонадон эгалари билан ҳам кўпдан танишман. Иш юзасидан бир неча марта мулоқотда бўлганман. Муомалали, маданиятли зиёлилардан. Лекин хонадонларида биринчи бўлишим. Эшикни очган ўн тўрт, ўн беш ёшлардаги қиз танимади чоғи.

— Сизга ким керак? — дегандек тикилиб турарди.

Мен унга иш билан келганимни айтгач, ичкаридан онасини чақирди. У ҳамон эшикни ярим очган ҳолда рўпарамда, мен эса остонадан ташқарида турардим.

— Ҳа, ким экан? — онасининг эринибгина айтган сўзлари яққол эшитилди.

Сўнг кўриб:

— Вой, бу ёққа киринг десанг булмайдим, — деб қизини койинган бўлди. Кейин менга қараб, — танимаган-да, бола нарса, қани киринг ичкарига, марҳамат, — дея илтифот кўрсатди.

Ичкари кирдим. Атроф жуда қимматбаҳо жиҳозларга тўлиқ бўлгани учун ҳаммаёқ ярқираб турарди. Меҳмонхонага кирдик. Ҳаммаёқ ораста, баланд жиҳозлар ичидаги турли сервислар ўрнида безатилган. Хонадон бекаси қизига чой келтиришни буюрди. Шошиб турганимни айтдим. Бир неча кун аввал китоб излаётганимни айтганимда, бизда бор, деганини эслатдим.

— Ҳозир-ҳозир, — деб ичкари уйга кириб кетди. Орандан анча вақт ўтгач:

— Келиб ўзингиз қаранг-чи, тополмаяпман, — деб чакирди мени. Киришга мажбур бўлдим. У ойнаванд китоб жавонлари олдида турарди.

— Вой-бу. Бу китобларни қачон йигиб улгургансиз?

— Ҳали бу ҳаммаси эмас. Кўряпсиз-ку, сигмаган. Қанчаси ана пастда турибди. Яқинда нариги хонага ҳам жавон оламиз. Яхшиси йўқ. Импортнийсини кутяпмиз.

Мен излаган китобни қидириб жавонларга яқинлашдим. Энди қўлимни узатиб, очмоқчи бўлгандим:

— Вой, айланай, уларга тегманг. Бу жавонларга умуман қўл теккизмаймиз. Амакингиз уришадилар. Тўғри-да, ушласа доғ бўлиб қолади, — деди. — Анали ердагиларнинг орасини қаранг-чи.

Китоблар жавонларга рангига қараб тартиб билан терилган. Шунинг учун сиёсий, бадний, ҳатто ўқиш китоблари ҳам аралаш. Излаган нарсани топиш амри маҳол эди. Анчадан бери очилмагани кўришиб турибди.

— Алфавит бўйича жойлаштирилганда топиш осон бўларди, авторлари бўйича.

— Авторларини ким билибди, дейсиз. Амакингиз қаерда чиройли муқовали китоб кўрсалар олиб келадилар. Тўплаб-тўплаб мана бир уй қилдик.

— Ким кўпроқ ўқийди буларни?

— Вой, шунча китобни ўқиб буладими? Уқиладиганларини бир нечасини амакингиз ажратиб қўйганлар. Буларга тегмаймиз. Менда вақт йўқ, ўзингиз биласиз. Ҳаммаси ноёб

китоблар. Куп қул тегса доғ булмасин деймиз-да. Бир куни керак булар. Ҳозир китоб ҳам бойлик бўлиб қолди.

Хуллас, излаган китобимиз топилмади. Кетишга шайландим. Шу пайт бояги қиз онасига «чой олиб келайми» деб маъноли тикилиб турганди.

— Йўқ, чойни қўяқол. Шошиб турган эканлар. Кейин, бафуржа келганларида меҳмон бўладилар, — деди онаси.

Мен ташқарига чиқдим. «Китоб ҳам бойлик» деган гап қулогим остида жаранглайди. Йўлда кетарканман, китоб фақат ўқилсагина катта бойлик, маънавий бойлик, дегим келарди.

\* \* \*

Учинчи хонадон соҳиблари ҳам ҳарқалай ярим шаҳарга таниқлик. Сураб борсангиз, «икки қаватли участканинг эгасими ёки иккита машинаси борларми?» дейишади. Чиндан ҳам бу атрофда унинг дангиллама иморати олдига тушадигани йўқ экан. Эшик қўнгиругини босдим. Ичкаридан:

— Кираверинг, эшик очиқ, — деган овоз келди.

— Мумкинми? — деб ичкарига кирдим. Гулзор ўртасидаги шийпонда ўтирган ўрта яшар аёл, ким керак, дегандек ҳайратомуз тикиларди ўтирган жойида. Яхши ҳамки, ичкаридан дугонам — келини чиқиб қолди. Уч-тўрт ой олдин тўйига келолмагандим.

— Эҳ-ҳе, бу нима, юр, мен сенга ичкарини кўрсатай, — деди менинг атрофга қараётганимни сезган дугонам. Хонама-хона юра бошладик.

— Мана бу Руминия хонамиз, — деди у. Шу зайл ҳар бир хона ўзига хос жиҳозланган. Айтайлик, бир хонада Руминия жиҳозлари булса, дарпардадан тортиб, ерга тушалганигача шу мамлакатники. Иккинчи хонада Олмонияга мансуб булган жиҳоз, дарпарда, девордаги суратлар кишини завқлантиради. Ҳатто эшик олдидаги юмшоқ шиппаклар ҳам ўша давлатга тегишли. Хоналарни айлангунимизча анча вақт ўтди.

— Китобларни кўрсатмадинг-ку. Иш кабинетинглар қаерда?

— Ўзим ҳам аввалига ҳайрон бўлгандим. Бу хонадонда

умуман китоб ўқишмайди. Ишонасанми? Шунинг учунмикин, дунёқарашларига ҳеч кўниқолмаяпман.

Дугонам ҳасратга ўтди. Бу хонадонда ҳамма нарса пул ва бойлик билан ўлчаниши, самимият, инсонийлик, меҳмондўстлик иккинчи ўринда туришини гапирди. Яқинда ўз стипендиясидан иккита китоб сотиб олгани учун қайнонаси роса жанжал қилганини айтиб, кўзига ёш олди. Лекин эрини яхши кўриб қолгани, хонадондаги бу воқеалардан беҳабарлигидан койинди. Кейин елпиниб ўтирган қайнонаси томонга қараб кўзларини жовдиратиб ниманидир сўрамоқчи эди. Дарров тушундим.

— Йўқ, дугона. Менга овора бўлиб дастурхон ёзма. Шошиб турибман. Ўқишга бормаганинг учун соғлигингни сўраб келган эдим.

Мен ана шундай кенг ҳовлида ҳаво етишмаётгандек хайрлашиб ташқарига шошилдим. Кучага чиқиб енгил нафас олдим. Лекин қулогимда «кираверинг, эшик очиқ» деган сўз-у, кўз олдимда дугонамнинг илтижо билан жовдираб қараши турарди.



Яхшилاردан сўз  
оғдиқ



## УМР — ИПГА ТЕРИЛГАН МАРЖОН

Муҳтарам онажонгинам. Бугун тутилган кунингиз. Қутлуг саксон ёшга кирдингиз. Барчамиз учун улуг айём кунинда фарзандлик туйғуларимни, қувончу табригимни ифодалашга аҳд қилдим.

Дейдиларки, қадим замонда ҳали қуёш уйғонмаган маҳалда гўдагини кўтарган она зимистонда кетаётган экан, сувсаб қолибди. Шу атрофда сувнинг шилдирашини эшитиб, ичишга чоғланибди. Гўдакни ерга қўйиб, икки қадам нари кетибди, норасида нола қилиб йиглабди. Она сувни ичмасданоқ ортига қайтибди, фарзандини бағрига босибди. Онанинг иссиқ меҳрини туйган гўдак жилмайибди. Шунда она қуёшга қараб:

— Раҳмат сенга қуёш, йўлимни ёритдинг, — дебди. Уз навбатига қуёш ҳам:

— Сенга раҳмат она, гўдакни яратганинг учун. Мен кулишни гўдакдан ўргандим, — деган экан.

Уйлаб қарасам, сиз Мастура онам қуёшнинг раҳматини ун икки марта эшитган экансиз. Чунки биз асли ун икки нафар эдик. Чиндан ҳам табиатнинг энг кўркем яралмишларидан бири — оналардир. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Жаннат оналар оёғи остидадир», деб бежиз айтмаганлар. Бундай юксак баҳонинг берилиши Шарқ аёлларига мос бўлган ибо, ифбат, назокат билан бирга энг муҳими фарзандларига берган тарбиялари туфайлидир.

Сиз Тошкент вилоятидаги Қибрай туманининг Дурмон қишлоғида тутилганингизни, уша ерда 7-синфни тугатганингизни айтиб бергансиз. Кейин уруш бошланган. Ун уч ёшингиздан колхозда ишлагансиз. Далаларда чигит экишдан тортиб, гўза парвариши-ю пахта теримига қадар қўл кучи билан ишланган даврларни айтиб бергансиз.

*Бепоён далалар, сизни кўрдиму*

*Кетолмайин қолдим бир қадам нари.*

*Сунгра уйлаб топдим, кенгликда сизга —  
Урناق булган экан онамининг багри.*

Уруш йиллари барча юмушлар хотин-қизлар зиммасига қолган. Хоҳ аёлдир, хоҳ қиз бола бўлсин фронтта кетган эр йиғитлар ўрнига бир эмас, икки-уч ҳисса ишлашган. Ёшгина бўлишингизга қарамасдан чаққонлигингиз, ширинсуханлигингиз, одобу тарбиянгиз билан ўша пайтдаёқ тилга тушганингизни кейинчалик таниш-билишлардан кўп эшитганмиз.

*Умр ипга терилган маржон  
Жилваси-ла қамрайди аввал.  
Мисоли нур сингари ҳар он  
Қонунига қилгансиз амал.*

Чиндан-да, умрнинг ҳалоллик, поклик, саховатпешалик, имонлилик, виждонлилик каби қонунлари кўп экан. Сиз умнис онажонгинам, уларнинг барчасига риюя қилиб яшаяпсиз. Шу боис тақдир алқаб отам Алмат Эрматовдек ажойиб инсонга турмушга чиққансиз. Кейин эса бирин-кетин биз фарзандларни тарбиялагансиз.

Умрни оқар сув дейишади, оқаверади, оқаверади... Бировда сокин, бировда тўлқинли мазмунини умр дафтарига ёзиб бораверади. Сиз отам билан утил-қизларнинг улғайганидан суюниб яшадингиз. Лекин биронтамизни назарда четда қолдирмадингиз. Мактабга борсак, ўқишимиздан, кўчага чиқсак, юмушимиздан бохабар бўлдингиз.

Ҳаёт бир текис ўтмас экан. Сиз ўз бахтингиздан, фарзандлар камолидан мамнун бўлиб яшаётганингизда уйимизга айрилиқ ўт солди, отам вафот этдилар. Сиз биримизни кутариб, биримизни етаклаб колхозга, яна ишга чиқдингиз. Чунки энди бизларга ҳам оталик, ҳам оналик қилишингиз лозим эди. Сиз катта дошқозонларда ширин таомлар тайёрлаб, жамоа аъзоларининг ҳурмату раҳматига сазовор бўлдингиз. Тўрт нафаримиз вафот этишди. Лекин бу оғир кулфатлар матонат ва иродангизни бука олмади.

Тўғрисини айтсам, бизлар эсимизни меҳр билан танидик. Тилимиз қадр-қиммат, оқибат сўзи билан чиқди. Шукрлар бўлсинки, Эркинжон, Зокиржон акам, опаларим Саломат,

Фотима, Каромат, Холида, Ойниса барчамиз ҳаётда йўлимизни топиб кетдик. Чунки сиз, отам доимо:

— Нима бўлганда ҳам уқиб илм олинглар. Бир-бирингизгагина эмас, балки одамларга ҳам меҳр-оқибатли бўлинглар, деб уқтирардингиз. Шунга амал қилиб яшаб, кам бўлмадик. Бизга, одамларга берган меҳрингиз туфайли невар-эвараларингиз ҳам сизни қадрлашади. Ҳузурингизга талпинишади. Тўпланган чоғларимиз уйга ҳам сигмай қоламиз. Ёмон кўздан асрасин. Ҳали-ҳануз эвара-чевараларингизга ҳам меҳр-муруватли бўлинглар, одамларга яхшилик қилинглр, меҳр-оқибат бор жойга бало келмайди, деб уқтирасиз. Илоҳим, маҳалламиз, шаҳримиз, юртимизда ҳам меҳр-оқибат устун бўлиб, бало келмасин.

*Сиз қуёшу осмонимиз, юлдузимиз, онажон.*

*Биз фарзандлар шод этгаймиз дилнингизни ҳар қачон.*

*Эвара-ю чеваралар туйлариди бош бўлинг,*

*Яраттандан тилагимиз омон бўлинг, сиз омон.*

Кенжа қизингиз Зоҳида.

## НУРҲОН АЯ ГАП БЕРДИ

Бир маърақада ая билан тасодифан учрашиб қолган эдим. Мени гапга таклиф қилдилар.

— Албатта боринг, узимга ўхшаган қариялар тўпланишади. Кейин хурсанд бўласиз, — дедилар. Аввалига иккиланиб юрдим. Уша куни эса аянинг нуроний чеҳралари ёдимга келди. Кўзим қиймади. Ҳамроҳим Қундузхон билан йўлга тушдик.

Чирчиққа ҳам етиб келдик. Унг тарафдаги кучага қайрилишимиз билан:

— Ҳув анави кўк дарвоза бўлса керак, — деди ҳамроҳим. — Қаранг, супурилиб, сув сепилган. Саришта кўринади.

Мулжалимиз тўғри чиқди. Ҳовлига киришимиз билан ажойиб тароватни ҳис қилдик. Ҳилма-хил анвойи гуллар,

яхши парваришдан росмана етилган райҳон ҳидлари димоққа урилади. Анор шохларидаги катта-кичик ҳосил доналарининг нимқизил ранглари мўралаётган қўшни қизни эслатади. Унг томонда Чирчиқ дарёси сокин оқмоқда. Сув устига қўйилган сўриларда ҳам саришталик.

— Бу томонга, ичкарига киринглар, — аянинг ўғиллари бизга йўл кўрсатди.

— Тупланиб бўлишибди чоғи, — дедим оёқ кийим кўплигини кўриб.

— Келинлар, ҳозиргина йўқлаб ўтиришган эди, — бирин-кетин аянинг келинлари, қизлари бизга илтифот кўрсатишди. Кейин билсак, исмлари Равшаной ва Зулхумор экан.

Утирганлар билан бирма-бир сўрашамиз. Ҳар бирларининг юзларида нур, кўзларида шуур ифодаси.

— Илтимосимни инобатга олиб, яхши қилибсиз. Хуш келибсизлар, — ая севинчларини яширолмади. — Журналист эканлар, ансамблимиз номи тилга олинса ёмон бўлмасди, деб таклиф қилгандим, — қўшиб қўйдилар.

— Келишгани яхшику-я. Лекин бизни эсламай қўйишганига кўп вақт бўлди, — ўқинди юқорида ўтирган онахон.

— Аллақачон унутиб бўлишди, деяверинг, — деди яна бирлари.

— Э қўйсанглар-чи, биз ўзимиз унутмадикми, бўлди-да. Тарқалиб ҳам кетмадик. Мана, неча йилдирки, гап баҳонасида учрашиб турамиз. Санъатимиз билан ўзимизни хурсанд қиламиз.

— Биргалашиб сафарларга бораётганимиз-чи? Ҳали Самарқанд, ҳали Бухоро...

Онахонларнинг ўқинчларидан юрагим увишди.

— Номи нима эди ансамблнинг? — сўрадим.

— «Гулдаста» эди айланай, «Гулдаста», — деди бирданнига ўтирганлардан уч-тўрт нафари.

— Эшитганман, 85—90-йилларда машҳур бўлгансизлар, — дедим бевосита рўзноманинг Адабиёт ва санъат бўлимида ишлаган йилларимни эслаб.

— Ҳа, ана билар экансиз. Бизларни машҳур қилган бошлигимиз ана шу Муҳаррам опа Худойберганова бўлади.

лар. Ҳали-ҳануз бошлиқ, она бошимиз. Шаҳримизда 1,5 гектар майдонда қабристон очган ҳам, кўчаларимизга асфальт ётқиздирган ҳам, урушда ҳалок бўлган 38 нафар паҳлавонга ҳайкал қўйдирган ҳам шулар. 13 йил маҳалла кўмитасига раислик қилиб, эҳ-ҳе, қанча ишларни бажариб қўйдилар.

— Э, қўйинглар у гапларни. Қани, Жаннатой, ашулани бошла, доирани қўлга ол. Тутихон тур, уйинга туш, — Муҳаррам опанинг таклифи ҳаммага бирдек ёқиб тушди. Мен қарсак чалиб, юракдан куйлаётган аяжонлар сўзларини оққа кўчиришга уринаман:

*Чирчигимиз йўллари,  
Атрофида гуллари,  
Уйнаганда ярашган,  
Аяжонлар қўллари.  
Чирчигимиз йўлига  
Булбул қўйинг, сайрасин.  
Мустақиллик замонда  
Аяжонлар уйнасин...*

Қўшиқ авжига чиқди. Улар орасида нисбатан ёшроқлари рақсга тушишди. Ҳамроҳим Қундузхон ҳам завқини яширолмади:

*Қизил гул айтади очиламан деб,  
Вафолилар чаккасига тақиламан деб,  
Вафолилар кўпайсин ушбу замонда,  
Бевафонинг қўлида на қиламан дер...  
Уйнанг қизлар, уйнанг, қўрганни келдим,  
Сизлар билан давру даврон сургани келдим.  
Сув келар гулдур-гулдур,  
Севганим қизил гулдир,  
Севганимга бермасанг,  
Улганим ушал кундир...*

Уйин-кулги орасида Муҳаррам аянинг ёнларига утиб, ансамбл ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдим.

— Ансамблимиз 1975 йилда Чирчиқдаги иссиққа чидам-ли ва қийин эрийдиган металллар комбинатининг Маданият

саройи қошида ташкил топди. Мана ёнимда утирган Турсуной Ортиқова, Аширхон Муҳаммадиева, Нурхон Абдухолиқова, Турсунхон Қорабоева, Ҳалима Самадова, Жаннатой Ганиева, Тўтихон Раимова — ҳаммамиз шу ансамбл қатнашчиларимиз. Биз асосан халқ оғзаки ижодидаги, халқ орасидаги қўшиқларни куйлардик. Баъзида Турсуной шеър ҳам ёзарди. «Чирчигимиз йўллари»ни шу ёзган. Тез тилга тушдик. Москва, Ленинградларга борганмиз. Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошховуз — хуллас, жуда кўп жойларда бўлардик. Уртачирчиқ, Байтқургон, Ғазалкент, Товоқсой, Чорвоқ томонларга кўп таклиф қилишарди. Қаерга бормайлик, ҳатто ҳарбий қисмларда ҳам бизни яхши кутиб олишарди. Санъатимизни олқишлашарди. Завод таъмурияти бизга чиройли сахна кийимлари ҳам тиктириб берганди. Лекин жамоамизни ҳамма тан олса ҳам ўша пайтда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси тан олмади. Бизни қўллаб-қувватламади. Дастлаб бизни машина, маблағ билан таъминлаган завод эса ҳозир инқирозга учради. Шу зайл ҳеч кимга «керакмас»га ўхшаб қолдик. Бир нарсаса хурсанд бўламанки, тарқаб кетмадик. Кўриб турибсиз, кўпчилигимиз етмиш-саксондан ошсак ҳам ҳамон санъат бизга ҳамроҳ. Яқинда ўз кучимиз билан ал-Бухорийини зиёрат қилдик. Ангрэн шаҳрига бордик. Энди тез-тез боришинг имкони йўқ. Лекин бирор саховатли ҳомий топилса ёки маданият мутасаддиларининг нигоҳи тушса қанийди! Нурхоннинг аллаларию, Аширхоннинг «Ёр-ёр»лари, Турсунойнинг газалари ҳали кўп тингловчилар қалбида завқ уйғотарди...

Аянинг дилига армон туйғулари инганини сезиб, суҳбатни тўхтатдим.

— Ажаб эмас, Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси, Чирчиқ шаҳар маданият ишлари бўлими мутасаддилари «Гулдаста»нинг тақдири билан қизиқиб қолишса, умидли дунё, аяжон. Ушанда маданият уйида неча йиллардан буён чанг босиб ётган кийимларингизни кийиб сахналарда кўриш насиб этар.

— Қайдам, — онахон шундай дедилару, йиғирмадан ортиқ неварачевараларнинг бувижониси бўлган Нурхон ая алласига қўшилдилар:

*Гуллар ичра гунчаси, алла,  
Нонлар ичра кулчаси, алла,  
Шерюраклигим, алла,  
Толмас билаклигим алла.  
Юрт ишига ярагувчи  
Қариганда кераклигим, алла...*

Биз бир олам таассурот олиб аяжонлар билан хайрлашдик.

— Роса савобга қолдинглар-да, — деди аянинг қизлари Зулхумор опа бизни кузатаркан. — Ҳеч ким буларни саксонга борган демайди.

— Куй, қўшиқ ҳамроҳ бўлгани, санъат уларни бир-бирига меҳрли, оқибатли қилгани учун ҳам шундай, — деди ҳамроҳим Қундузхон.

— Ҳаммалари юзга киришсин. Оллоҳ бизга ҳам шунча ёшу ва шунча завқ-шавқ берсин, — тилак қилдим.

Йулда қайтарканмиз, қулогимизда ҳамон онажонлар қўшиқлари:

*Гулсанам, уртоқ, озод бўлдингиз,  
Чаман-чаман гул, ойдин йўлингиз.*

Илоҳим, «Гулдаста»нинг йўли ҳам ойдин бўлсин.

## ГЎЗАЛЛИК САЛТАНАТИ

Салтанат опа Сиддиқова ҳақида кўп ва хўп эшитгандим. «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деган нақлга амал қилиб, хонадонларига йўл олдим.

Остона олдида тўхтаб, уй бекасини кутаяпман. Атрофга қарайман, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Турфа хил гуллар. Баҳор қўйнига киргандек сездим ўзимни. Қучоқ очиб опа пешвоз чиқдилар. Қисқа танишувдан сўнг санъат асарлари билан танишишга тутиндим.

Дўмбира чертаётган, рақс тушаётган, китоб ўқиётган, умуман турли қиёфадаги сополдан ясалган беҳисоб ҳайкалчалар. Суякдан ишланган филчалару ёғоч қўғирчоқлар, кичкина кўза-

чалару хилма-хил ёғоч қошиқлар, товоқлар, тиллақошу қўлда тикилган жиякларнинг нусхалари, тумору доира дейсизми... Ҳамма-ҳаммаси дид билан жавонларга териб қўйилган. Халқ ҳунармандчилигининг юзлаб намуналаридан дилингиз завққа тўлади.

— Лапар эшитасизми? — деб сўрадилар Салтанат опа доирага тикилиб турганимни кўриб.

*Осмонда юлдузу ойлар кўпайсин,  
Заминда жилгаю сойлар кўпайсин,  
Эл ичра сахийу саховатпеша  
Қули очик бўлган бойлар кўпайсин.*

— Доирани ёшлиқдан чаласизми?

— Болалигимдан санъат шайдосиман. Урушдан кейинги йилларда колхозда ишладим. Трактор ҳайдадим. Ушанда ҳам қўшиқ айтардим. Турмуш ўртоғим Тошпўлат ака Сиддиқов ҳам аввало қўшиқларимга шайдо бўлганлар. Бирин-кетин Рус-тамжон, Норттой, Носир, Зокир, Муҳаммаджон, Улутбек, Фурқат, Баҳодир, қизларим Саида, Сайёра, Феруза, Шаҳноза тугилишди. Ўзим тўқиб айтардим.

Опанинг юзларига тикиламан: қошларида ўсма, оч сиёҳ ранг рўмол кўйлакка мос ярашиб турибди, кўзларида бир олам завқ. Очиги, етмишга кирган демайсиз.

— Юринг, музейимни кўрсатай, — дедилар опа ва кейинги хонага бошладилар. Хилма-хил гуллардан баҳрингиз очилади. Уч-тўрт зинадан юқори кўтарилдик.

— Бу хонани қўшимча қурдирганман. Бог ҳисобидан. Неча марта чакка ўтиб, фанерлари доғ бўлиб қолган. Бу ерда миллий либослар, удумларимиз белгилари бўлган буюмлар.

Деворларга осиб қўйилган кийимларга, катта-кичик бешикларга қарайман, меҳр ва юрак қўри билан қилинган иш. Бир иккинчисига ўхшамаган гўзаллик, санъат. Бир тарафда эса дўшпиларнинг бир қанча турлари. Ахир, уларни тўплаб, бу қадар ажойиб уй-музейи яратишнинг ўзи бўладими? Гард юқтирмай сақлаш-чи?! Санъатга ошпуфта, халққа, миллатга фидойи инсонгина бунинг уддасидан чиқиши мумкин.

Кейин айвонга чиқа бошладик. Кичкина хонадан утаётиб, кум-кук ниш урган бугдойни кўрдим.

— Сумалакни кузда пиширсаям буладими? — хайрон бўлиб сўрадим.

— Хоҳиш бўлса пишаверади, ўзим яхши кўраман. Анча етилиб қолди. Мана бу айвонми, сўри деса ҳам бўлади, ўзимиз кўрдик, жой тор бўлгач, илож қанча.

Кичкина ҳовлининг бир тарафида тандир. Ёнида катта еручоқ. Дошқозоннинг усти ёпилган, утинлар ҳам саранжом таҳланган. Иккинчи тарафда катта-кичик бир нечта хум, ўтирлару тарозилар. Опа ўша айвон тагидаги ертўланинг кичкина эшигини очдилар. У қадар катта бўлмаган пастаккина хона ичи тўла осори-атиқалар: мис тоғоралару мис қасқон, мис сувдон, чилим, обдаста, самовар, патнис, қадимги тўкув дастгоҳлари... Бамисоли мозийга қайтгандек вужудимни галати туйғу чулғаб олди.

— Мана бу Темур бобом шамдонлари, — деди опа фахрланиб. Чиннидан ишланган оғир шамдонни эҳтиётлик билан ушладим.

— Қасқонларнинг ҳар бири турли хонлик давридан мерос, — дея ҳикоя қилади Салтанат опа. — Анави мис патнис VI асрга мансуб. Сувдон, самоварлар ҳам анча қадимги. Қанийди жой бўлса, ҳаммасининг номини, тарихини ёзиб қўйсам. Ҳозирги ёшларнинг кўплари бу анжомларни билмайдди. Қадимда мис идишда сақланган сув соғлиққа фойда бўлган. Ёки хумда гўшт сақланган. Айнимаган.

— Буларни ўзингиз йиққанмисиз, ё...

— Эшитгандирсиз, асли Сайидазимбойнинг эваралариданман. Турмуш ўртоғимнинг авлоди Шаҳрисабздан. Уч мингдан ортиқ экспонатимиз бор, шундан 30 фоизи ота-боболаримдан мерос, қолганини турли вилоят, қишлоқлардан тўплаганман.

Тўпланган буюмлар таърифига сўз ожиз эди. Вужудимдаги бояги завқ ўрнини энди ачиниш ҳисси эгаллади. Ахир буларнинг ҳар бири тарихдан сўзлагувчи халқ мулки. Уларни муносиб тарада эҳтиётлаш лозим.

— Кўпчилик экансизлар. Уйингиз тор, осори-атиқаларни сотиб, ҳовли қилсангиз булмайдими? — сўрайман атайин.

— Шунақа имконият ҳам булди, лекин халқнинг тарихи, маданиятини сотиб бўладими? Ҳеч қачон!

Салтанат опа, булардан ташқари, кўп йиллар Акмал Икромов туманидаги «Хуррият» фольклор ансамблида қатнашган. Устозлари Гавҳар Раҳимова, Коммуна Исмоилова, Ойхон Ёқубова, туман маданият бўлими собиқ мудири Музаффар ака номларини ҳурмат билан тилга олади. Туркияда ўтган миллий либос ва удумлар танловида биринчи ўринга сазовор бўлган. Ўзи пишириб, олиб борган сумалакнинг маза-си еганларнинг оғзида қолган.

Опанинг режалари билан қизиқдим.

— Кучқувватим борида жой, ер бўлса музейни кўнглимдагидек қайта ташкил этсам. Қолган фарзандларимнинг тўйини кўрсам. Истиқлол гаштини суриб, халқимга хизмат қилсам...

Шу дамда онахонни эзгулик тимсоли сифатида тасаввур қилдим. У киши билан хайрлашиб, йўлда келарканман, кўз олдимдан кичкина бағрига бутун бир тарихни, санъатни, гўзаллик ва нафосатни сифдирган хонадон, етмиш йиллик умри фарзандларидан ташқари санъатга, халқига, маданиятга бахшида бўлган Салтанат опа кетмасди.

Шундай жонкуяр оналаримиз ҳамиша бор бўлсин!

## УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Умрлар бўладики, унинг ҳар бир сонияси фидойилик, жонкуярлик билан ўтади. Лаҳзалари дарё қадар жушқин, пурмаъно бўлади. Уларнинг номини халқ доимо эҳтиром ва меҳр билан тилга олади. Бундай кишиларни ҳаётимизнинг барча соҳаларида учратиш мумкин. Халима Носирова ҳам халқимизнинг эъзозли, ардоқли санъаткорларидан, чунки у ўз умрини санъатга бағишлаб, ўзбек опера санъатида янги йўналиш бошлади, ўзбек мусиқали театр равнақига муносиб ҳисса қўшди, классик кўшиқларимизни куйлаб, халқимизга завқ-шавқ бағишлади.

...Қўқон яқинидаги тоғлик қишлоғида бир хонадон бўлгучи эди. Муҳаммад Носир ака билан Ҳосият Мамаюсупова

адабиёт ва санъатта катта қизиқишлари туфайли ҳурмат қозонишганди. Оиладаги тўрт фарзанд ҳам ота-оналари каби ёшликдан санъат илмига меҳр қўйдилар. Қишлоқда босмачилар ҳаракати авж олиб, аҳоли тинчини йўқотган гала-говур пайтда оила бошлиғи тўсатдан вафот этди. Ёш болалари билан бева қолган Хосият опа иродасини қўлга олди. Уша даврнинг қора зулматлари орасида юлдуз мисол чақнаб, эрк сари интила бошлаган илгор хотин-қизлар таъсирида Қўқон шаҳрига кучиб келади. Ёш фарзандларини ўша пайтда эндигина очилган болалар уйига топшириб, ўзи шойи тўқиш фабрикасига ишга кирди.

Унта бўлса, ўрни бошқа деганларидек, тўрт фарзанднинг учинчиси бўлган Ҳалима ўткир зеҳни ажойиб хотираси билан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам шеър ёзишга, ашула айтишга, рақс тушишга бўлган қизиқиши, озми-кўпми саводи билан болалар уйдаги ҳаваскорлар орасида кўзга ташланди. Бу ерда қўйилган спектаклларда бош ролларни ўйнади. Халқ кўшиқларини куйлаб, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Баъзида тахчиллик чоғлари онасига отамиздан бошқаларга ўхшаб мерос ҳам қолмади, деб нолиганда, Хосият опа:

— Қизим, отанг сенга энг қимматбаҳо муқаддас мерос — ажойиб овоз ва санъатта иштиёқ қолдирди. Уни кўз қорачингдек асраб-авайлаб, халққа бахшида қилсанг оламда энг бахтиёрлардан бўласан, — дерди.

Ҳалима бу гапни дилининг энг тўрида тутди. 1923 йили Тошкентга келди. Хотин-қизларнинг маориф институтига ўқишга кирди. Тез кунда ташкилотчилиги ва ажойиб истеъдоди билан танилиб қолди. Бу ерда ўтадиган турли хил тадбирларда ҳаваскорлар қўйган спектаклларда фаол қатнашди, энг муҳими у кўплаб шеърларни ўқиб хотин-қизларни эрк, озодлик сари даъват этарди. Кўп ўтмай институтнинг бир гуруҳ санъатсевар талабалари шаҳардаги театр труппаларига бориб турли хил спектаклларда қатнашадиган бўлишди. Уша вақтларда намойиш қилинган «Заҳарли ҳаёт», «Бахтсиз куёв», «Ҳалима» каби асарлардаги қаҳрамонлар Ҳалиманинг санъатга бўлган ихлос ва иқтидорини янада оширди. Худди шу образларнинг айримларини институт саҳнасида муваффақиятли яратиб, кўпчилик олқишини олди.

1925 йил бир группа ёш санъаткорлар Бокудаги театр техникумига ўқишга юборилади. Улар орасида Ҳалима ҳам бор эди. Бу ерда у Мирсайфиддин Кирмоншоҳли, В. Сладкопевцев, Булбул Мамедов, Уезир Хожибеков каби аллома санъаткорлардан таълим олди. Улар ёрдамида Озарбайжон миллий операси ҳамда мусиқа маданияти билан яқиндан танишди. Ундаги интилиш ва талант ўз навбатида устозлар диққатини жалб қилди. Унга Жаъфар Жабборлининг «Ойдин» драмасидаги Гултакин ролини топширдилар. Ёш санъаткор масъулиятни ҳис этиб, ишга киришди. Тинимсиз машқ, изланиш, ўрганиш ўз самарасини кўрсатди. Бундан бениҳоя қувонган устозлар «Аршин мол-олан» спектаклидаги Гулчеҳра ролини топширдилар. Бу ролни шунчалик меҳр ва эътиқод билан ўйнаганлиги туфайли энг севимли образларидан бири бўлиб қолган.

Бокуда таҳсил олган санъаткорлар Тошкентга қайтгач, «Ойдин», «Аршин мол-олан»ни намойиш этдилар. Ҳар икки асардаги бош ролларни Ҳалима маҳорат билан ижро этиб, томошабинлар ҳурматини қозонди. Драма ва мусиқали драма санъатидаги иқтидори, истеъдоди кўпчиликни мафтун этди. Шунинг учун ўша пайтда ўзбек театрининг бадий раҳбари Маннон Уйғур уни миллий драма театрига ишга таклиф қилди. Энди Ҳалима Носирова номини билмаган, унинг драматик маҳорати, дилларга завқ бағишловчи мислсиз жарангдор овозидан баҳраманд бўлмаган киши йўқ эди. Уни ҳатто «Ўзбекистон булбули» деб аташарди кўпчилик.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби санъат ҳам фидойиларни, жонкуярларни олқайди. Баъзилар эстрадада, баъзилар кўшиқ санъатида, баъзилар сахнада топади бахтини. Ҳалима Носирова санъатнинг чўққиси бўлмиш опера сари интилди, фидойилик қилди, ўзбек операсига асос солди. Ўша кезлари ўзбек сахна юлдузи бўлган Турсуной Сайдазимованинг жаҳолат бандалари томонидан ўлдирилиши актрисанинг ўзига бўлган талабчанлигини, касбига бўлган меҳрини янада оширди. Турсунойга нисбатан бўлган меҳрини унинг қатор ролларини ижро этиш билан ифодалади, хотин-қизлар озодлиги учун курашини давом эттирди. Ўзбек Давлат драма театрида «Ре-

визор»даги Мария Антоновна, «Маликаи Турандот»даги Турандот каби бири-бирига ўхшамаган ўттиздан ортиқ ажойиб ролларни ижро этди.

1929 йилда Ҳалима Носирова Муҳиддин Қориеқубов ташаббуси билан очилган ўзбек мусиқали театрига ишга ўтди. Худди шу театр кейинчалик Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театрига асос бўлди. Бу ерда дастлаб қўйилган «Ичкарида», «Гулсара», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра»ларда бош ролларни ижро этди. Энди Ҳалима Носированинг номи фақат республикада эмас, балки Москвада, Ўрта Осиё республикаларида ҳам машҳур эди. 1937 йили 24 ёшида унга халқ артисти унвонининг берилиши ўзбек санъатида жуда катта воқеа бўлди. Куп ўтмай театр саҳнасида «Бурон» операси намойиш этилди. Ундаги Норгул ролини Ҳалима опа қўйилмақом ижро этди. Хуллас Ҳалима опа ўзининг огир болалик ва ёшлик йилларини, бутун ирода ва кучини, талант ва маҳоратини санъатта бахшида қилди.

Ҳа, Ҳалима опа Улуг Ватан уруши йилларида ҳам одамлар орасида бўлиб ўз талант ва маҳоратини қуролга айлантирди. Ҳозирбадор қўшиқлари билан жангчиларни олға интилишга руҳлантирди. Жанг майдонларида, госпиталларда кези келганда конференсьелик қилди, кези келганда ваъз ўқиди, одамларга маънавий далда берди. Шу хизматлар эвазига Берлинда Ғалаба муносабати билан бериладиган концерт иштирокчилари рўйхатига киритилди. Бу концертда ҳам минглаб кишиларнинг олқишига сазовор бўлди. Концертдан сўнг машина аварияга учраб, Ҳалима опа қаттиқ яраланди. Қўл ва оёқлари, елка суяклари синди. Бир неча ой давомида у Берлинда касалхонада ётди. Ана шундай огир дамларда ҳам Ҳалима опа маънавий тушқунликка тушгани йўқ. Баъзида вужудини ўқинч қамраб олганда қалбининг тўридаги ота мерос — санъатта иштиёқи, меҳри унга тасалли ва далда бўлди. Ҳадеганда тузалавермагач, томошабинлар талабларига биноан саҳнага чиқишга мажбур бўлди ҳам. Уни ҳатто саҳнага кўтариб олиб чиқишар, икки уч қўшиқни айтиб булгач парда бекилиб, яна кўтариб олиб кетишган пайтлар кўп бўлди.

Шунда ҳам Ҳалима опа фидойиликни тарк этмади. Санъат одамлар учун зарурлигини бир дақиқа унутгани йўқ. У Тошкент театр санъати ва рассомчилик институти талабаларига ҳам, шогирдларига ҳам шу сабоқни ўргатди. Мақсад Қурбонова, Гавҳар Тожибоева, Муножат Тешабоева, Меҳри Ҳожиматова сингари унлаб шогирдлари бутун элга танилган. Улар классик қўшиқларни ижро этиш, сахна санъати, энг муҳими санъатга жонкуярликни Ҳалима опадан қунт билан ўрганишган.

— Санъатни тинчликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Тинчлик, хотиржамлик бўлса санъат яшайверади, биз қўшиқ айтиб, одамларга завқ бағишлайверамиз. Биз — санъаткорлар асли тинчлик меваларимиз, руҳий мевалари. Санъатнинг қайси турида бўлмасин, ҳақимга, тинчликка хизмат қилаётганимдан бахтиёрман, — деган эди опахонимиз.

Катта қалб эгаси, фидойи санъаткор, ўзбек опера санъатининг асосчиларидан бири бўлган Ҳалима Носирова ўзбек санъатида абадийдир.

## АЗОБЛАРДА ТОПИЛГАН РОҲАТ

... Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Муҳаррамхон 13 яшар эди. У русийзабон 120-мактабнинг еттинчи синфида ўқирди. Уша кезларда Киев шаҳридан «Красный Аксай» заводи (ҳозирги «Ўзбексельмаш») Тошкентга кўчиб келди. Корхонада фронт учун қурол-аслаҳа тайёрланарди. Мактаб заводга яқин жойда эди. Бир куни у ердан вакил келиб, синфга кирди. Уғил болаларни ишга таклиф қилди. Кўпчилик болалар ёзилишди.

— Биз ҳам борамиз. — Муҳаррамнинг гапи аввалига барчага эриш туюлди. Ҳамма унга қаради. — Гулчеҳра, борамиз, а? — у дугонасидан сўради.

— Албатта, — Гулчеҳра дугонаси таклифини қатъий равишда тасдиқлади.

— Сизлар нимжонсиз. Директор олмаса керак, — деди бояги вакил.

— Майли, шаштлари қайтмасин. Боришаверсин, бир гап булар, — деди ўқитувчи ҳам қизларни қўллаб.

Эртаси куни Муҳаррам ва Гулчеҳра заводга келишди. Директор Золотарёв танланган ўқувчиларни бирма-бир кўздан кечириб, суҳбатлашди. Навбат қизларга келганда бир оз ўйланиб қолди. Улар ялиниб-ёлворавергач, ахийри кўнди. Қуёйиш цехига ишга олди.

Қизлар ишга сидқидилдан киришиб кетишди. Улар жуда барвақт келишар, топширилган вазифани тезроқ бажаришга уринишарди. Кейин бориб озми-кўпми дарс тайёрлашарди. Ўн икки соат мобайнида цехдаги чиқиндиларни замбилда ташишарди. Ишчиларга бериладиган 800 грамм нон уруш пайтида ҳар бир оила учун тирикликнинг муҳим омили эди. Қизлар кўпинча чарчаб, ҳолдан тойсалар ҳам зора сменадолар келмай қолса, деб туришарди. Чунки 24 соат ишлаган вақтда кечаси ишчиларга овқат, чой бериларди. Улар овқатни еб, нонни тежаб уйга олиб боришарди. Онаси Собира ая, опаси Хадича, укаси Юсуфжон, синглиси Мукаррам қанчалик суюнганини кўрганда Муҳаррамнинг чарчоқлари тарқаб кетарди. Шу зайл заводда икки йил меҳнат қилишди.

Бир куни уларга директор чақираётганини айтишди:

— Сизлар рус тилини яхши биларкансизлар, шунинг учун эртадан бошлаб Муҳаррам телефонистка, Гулчеҳра сен эса бухгалтерияда ишлайсан, — деди. Шу-шу уруш тутагунча — 1945 йилга қадар Муҳаррам завод коммутаторида самарали ишлади.

Ғалаба куни бошқалар қатори ҳар икки дугона чексиз қувонишди. Шу куни кўпчилик завод энди тўхтайтиди, деган хаёлда ишдан кетди. Муҳаррам билан Гулчеҳра ҳам ёшлик қилиб ҳужжатларини ҳам олмай жўнаб қолишди. Аммо кўп ўтмай уйларига одам келиб, энди сизларни ҳибсга олишади, деса буладими?! Утакаси ёрилган қизлар эса югуриб заводга келишди. Корхона махфий бўлгани учун узига яраша қондалари бор эди. Уларга бир ой бепул, нонсиз ишлаб бериш шarti қўйилди. Бу жарима эди. Ишчилар ҳам ширинсухан, чиройли, хушқомат қизларни ёқтириб қолишганди. Шу боис бир ой давомида уларнинг кўпчилиги 100 граммлик нон улушларини қизлар билан баҳам кўришарди.

Орадан бир ой ўтгач, завод директори яна чақирди. Ҳар иккала қизга Бешёғочдаги Молия билим юрти (ФЗУ)да ўқишга йўлланма берди.

— Ушанда роса севингандик, — дейди биз билан суҳбатда Муҳаррам ая. — Чунки ўқиган одам тўғрисидаги тасаввур бошқача бўларди. Бунинг устига илмга чанқоқ эдик. Шунданмикан, бир кунни ҳам қолдирмай, аъло ўқиганмиз. Битирганимиздан кейин мен «Уртоқ» фабрикасига, Гулчеҳра пардоз-андоз (парфюмерия) маҳсулотлари фабрикасига ишга кетдик.

... Айни уша дамлар Муҳаррамхон жуда кўркам, сулув, иболи, ҳаёли бўлганидан совчиларнинг кети узилмасди. Тақдир экан, уни холасининг ўгли Аҳмаджонга турмушга беришди.

— Муҳаррамхон, болаларнинг тарбиясига иккимиз бирдек масъулмиз. Лекин сизнинг зиммангизга кўпроқ вазифа тушади, — дерди Аҳмаджон ака.

Муҳаррамхон бунинг яхши тушунган ҳолда иш тутди. Муҳаббатхон, Муборакхон, Рустамжонни оёққа турғизгунча бир оз муддат уйда қолди. Кейин уйига яқин жойдаги дорихонада, Миробод тумани халқ банкида газначи бўлиб ишлади.

У бир кунини ишга кетаётиб, вокзалда йиғлаб турган қизини учратди. Овутмоқчи бўлиб гапга солди. Шунда у ота-онаси йўқлигини, Самарқанддан келиб ўқишга киролмаганини, борар жойи тайинсизлигини айтди. Муҳаррам опа уни ўз бағрига олди. Икки қизим учта, уч фарзандим тўртта бўлди деб Аҳмаджон ака ҳам суюнди. Норбия улар ёрдамида Тошкентдаги Адабиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Ўн саккиз ёшга тулганда тожик қизи Норбияга афгон йигити Али Ҳусайн шайдо бўлди. Уни тўй-томоша қилиб узатишди.

Камтарга камол деганлар. Аҳмаджон ака ва Муҳаррам аядаги бу хислат фарзандларига, унлаб шогирдларига ибрат эди. Бўлмаса шунча қатта лавозимларда ишлаб туриб, дангиллама иморат қурмай, кўп қаватли уйда тўрт бола билан яшармиди. Ҳа, яшашди, яшаганда ҳам ширин, тотли ҳаёт кечирди.

Фарзандларига берган яхши тарбиялари эвазига «Олтин

туй»лари куни Норматовлар хонадонига раҳматлар ёғилди. Ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Асло! Туйдан кейин хонадон соҳиби узоқ яшамади. Ҳаётдан қуз юмди. Меҳнат фахрийси, фронт орти уруш қатнашчиси, 11 неvara, 3 эваранинг бувижониси Муҳаррам ая ширин турмушнинг ибратомуз анъаналарини давом эттириб келмоқдалар.

Онахоннинг юзларига тикиламан. Нур ёғиляпти. Сузларининг ҳар бирида пурмаъно ҳикмат. Оила ва фарзандларига меҳрли, садоқатли бўла олган ҳамда ўғил-қизларидан ҳурмат-иззат топа олган сардор оналарнинг юзларидагина ана шундай нур, қалбида нуронийлик шуури бўлиши мумкин.

## УЧ САБОҚ

Ҳаёт йули жуда қизиқ. Гоҳи суқмоқларга, гоҳи ажиб боғистонга дуч келасан. Баъзан эса қалби дарё қадар кенг, ҳар бир ўғитлари жавоҳирга тенг булган одамларни учратасан. Улардан эшитганларинг, олган сабоқларинг ҳаётда асқолади, унутилмас бўлади.

Ёзувчилар уюшмаси биносида шинамгина хона бўлгучи эди. Ажиб суҳбатлардан воқиф бўлишни, айниқса тушлик пайтлари Саида опа Зуннунованинг суҳбатларини тинглашни ёқтирдим. Энди уйласам, ўша чоғларда денгиз тубидан дур терган кўринаман.

Фарзандларим бирин-кетин улғайишмоқда. Оналик шарафини ардоқлашга, нуридийдаларимни кипригимда асрашга уринаман. Хаёлим кўпинча улар билан банд. Баъзан эса шукронада бўлиб, бир зум хаёлимдан чиқарай дейман. Лекин асло... Шунда хотирамдаги дурдоналар бир-бир тизилишади қуз олдимда...

## МЕҲР

Нодира ўшанда икки ёшга тўлмаган эди. Саида опа телефон орқали уйга қўнғироқ қилиб, овқат еган-емагани,

неча соат ухлагани, кайфияти, қўйингки, ҳаммасини сўраб турардилар. Яхши деган жавобни эшитганда, кўнгиллари таскин топиб, яйраб кетардилар. Қувноқ юрардилар. Мабодо уйқудан эртaroқ уйғонган бўлса, ё чеҳраси сўлгин деб эшитсалар борми, олам у кишига тор бўлиб кетарди гўё. Мен юпатмоқчи бўлиб, суҳбатга чалгитсам:

— Ҳали билмайсиз, ёшсиз. Лекин бир кун бошингизда бор, — дердилар.

Дам-бадам телефон қилган пайтлари кўп буларди. Ахир ёнида бувиси бор, намунча қайгурмасалар деб ўйлаганимдан энди хижолат чекаман. Ҳа, фарзанд меҳри билан она қалби нурли, ҳаёти ширин ва тотли буларкан. Оналик бахти, бахтиёрлиги балки шундандир...

## САБР

Фарзандларимнинг отаси икки йилга Москвага ўқишга кетадиган бўлди. Шу-шу қулогим тинмади. Ҳар ким ўзича ақл ўргатади. Қизиқ, нима ишингиз бор, дегинг келади-ю, лекин айтолмайман. Баъзан эса турли гапларни эшитавергандан сўнг ўйламай илож йўқ. Тонг отгунча ўзинг билан ўзинг гаплашиб чиқасан.

«Ҳар доим ҳам одамлар гапига қулоқ солавериш ярамайди, — дердилар Саида опа. — Қулоқ солгудек бўлсам, керагини саралаб, нокерагини унутиш лозим. Турмушимнинг ярми кутиш билан утди. Не-не таъна тошларини ёгдиришмади. Ҳаммасига ишонаверсам, алақачон соғлигимдан айрилардим. Бахтимдан айрилардим». Ўша кезлари мен бу гапларни тинглаб, нақадар теранлигини балки тушунмагандирман. Лекин энг муҳими, ўқиб олганман. Турмушни қадрлай билиш кераклигини олдиндан англаб етгандирман. Дунёда аёл кишини бахтли қиладиган икки нарса бор: садоқат ва сабр. У пулга сотилмайди, олтинга топилмайди.

Икки йил ҳам ўтиб кетди. Хуш ҳаёллар ҳамроҳ бўлиб, нохушлари тарк этди. Хонадоним тўлди. Ақл ўргатувчилар ўз-ўзидан ғойиб бўлдилар. Сабр таги раҳмон, деганлари шу эмасми?

## РАШК

Турмуш жуда мураккаб. Гоҳ-гоҳи аёллигимизга боришимиз шундан бўлса керак. Арзимаган нарсалардан гоҳида шунақанги катта жанжал чиқарамиз. Кейин уз ёгимизга ўзимиз қовурилиб, ич-этимизни ёймиз. Шунақа вақтда бехосдан уша ҳодиса ёдимга келади.

Эрта билан Саида опа ишга хафақон келдилар.

— Тинчликми?

— Ҳа, акангизни бугун ишга уринсия хафа қилиб жўнатдим. Туни билан у ҳам, мен ҳам ухламадик. Кечкурун ишдан келгач, атир ҳиди келяпти сиздан деб гавго бошладим. У «Шкафдан ўзингиз олиб берган шу кўйлак, ҳеч қаерга борганим йўқ, чойхонада ош едик, холос» деб ўзини оқлашга уринди. Мен устун келишга уриндим. Нонушта қилмай ишга кетди. Кейин ишга отлана туриб, шкаф ёнига келсам, худди кечаги атир ҳидига ўхшаш бўй таралаяпти. Кийимларини тахлаган вақтимда орасига атиргулнинг қуритилган яроғини солганимни унутган эканман. Энди кўнглига таскин бериш йўлини топишим лозим.

Ҳа, ҳаёт шунчалик мураккабки, оқилалар ҳам янглишмай иложи йўқ. Шу боис хатосини тез англаб, вақтида тўғри хулоса чиқарган аёллар кўпроқ ютади турмушда. Беҳудага рашк қилиб, хатосини англаса ҳам гинахонликка, устун келишга ружу қўйганлар оиласида дарз кўпаяди. Бундан эҳтиёт бўлмоқ лозим.

— Йиллар ортда қолди... Нодирахон она бўлди. Мен буви бўлдим. Оиламизни кўпчилик ҳавас қилишида, фарзандларимнинг баркамол бўлиб вояга етганликларида уч сабоқнинг ўрни катта бўлди. Мен уларни қизларимга уқтирдим. Иншооллоҳ, кам бўлишмаяпти. Балки сизга ҳам асқотар ҳаётда...

## ШУНДАЙ КУНЛАР КЕЛАДИ

Ёзувчи Ўлмас Умарбеков сермахсул ижодкор сифатида кўпчиликка таниш. Унинг қатор роман ва қиссалари, ҳикояла-

ри, йиллар давомида саҳналардан тушмай келаётган кўпгина драмалари ҳамда кинотеатрлар экранидан муносиб ўрин олган фильмлари юзлаб дилларга завқ улашган. Адиб кўп йиллар мобайнида жумҳуриятимизнинг юксак лавозимларида ишлади. Республика маданият вазири сифатида санъат тараққиётига ҳисса қўшди. Биз у билан бутунги кундаги воқеаларга муносабати ҳамда ижодий режалари хусусида суҳбатлашни лозим топдик.

— Улмас ака, янглишмасам ҳар бир кишининг болалигидаги муҳит, тарбия катта бўлган сайин албатта дунёқараши, характериға таъсир қилмай иложи йўқ. Сизда бу ҳол қандай кечганини эслай оласизми?

— Яхши эслайман. Болалигим утган жойлардаги ҳаёт, ўша давр муҳити менга катта таъсир кўрсатган. Ҳали ҳам улар таъсирини сезаман. Назаримда сўнгги кунимгача шундай бўлса керак. Мен тошкентликман. Миробод маҳалласида туғилиб, болалигим, ёшлигим, умуман бутун умрим шу ва кўшни Яққасарой тумани кўчаларида ўтган, ўтиб келаяпти. Ҳозирги «Россия» меҳмонхонаси билан марказий авиакасса ва трамвай айлана йўли асосан бизнинг уйимиз, қариндошларим, уларнинг болалари яшаган уйларнинг ўрниға тушган. Ҳовлимизнинг ўртасида ҳосили бутун маҳаллага етгулик, икки-уч симёғочдан баланд, ҳовлининг ярмиға соя ташлаб турадиган нок дарахти буларди. Раҳматли отамнинг гаплариға қараганда бобомнинг бобосидан қолган экан. Уйимизнинг рўпарасиға ҳарбий казарма жойлашган эди. Уруш йиллари армияға чақирилганлар шу ердан фронтға жўнатиладди. Биз болалар шу нокдан тоғора-тоғора териб, уларға, уларни кузатиб келган қариндош-уруғлариға улашардик. Уйимиз бузилаётган пайтда бузувчилардан нокка тегмасликни, уни қолдиришни илтимос қилдик. Қулоқ солишмади. Афтидан лойиҳаларға тўғри келмади. Беш-олти киши устиға чиқиб кесишаётганда бутун маҳалла йигилгани, баъзи ёшлар, болалар кўз ёши қилишгани эсимда. Бошқаларда қандай, билмайман, мен болалигимни қийналмасдан кўз олдимға келтираман, кўп вақт ўша йилларға, ўша давр воқеалариға қайтаман, баъзан ўзим сезмаган

ҳолда, ҳозирим билан ўша сербуёқ, сирташвиш, дард-алам, кўз ёшга тўла ўтмишим аралашиб кетади, ўша даврдаги овозлар, ҳатто гаплар, уларнинг оҳанги қулогим остида жангилдайди. Гаплар, овоз эгаларини яққол кўриб тураман. Кўп эмас, қисман болалигим воқеалари асарларимга тушган. Атайин ёзмаганман. Ёзадиган вақт афтидан энди келаяпти. Энди ёзса бўлади. Устоз ёзувчилар Абдулла Қаҳҳор, Ойбек тахминан ҳозирги менинг ёшимда болалик саргузаштлари хотираларига қайтишган эди.

Мен ва менинг тенгқурларим урушда булмаганмиз, аммо уруш азобларини бошимиздан кечирганмиз. Очлик, ўлим, қора хат нималигини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Оталаримиз, акаларимизнинг эски-туски кийимларида катта булганмиз. Урушдан кейинги дастлабки йилларда давлат идоралари, ота-оналар талаби, истаги билан биз ҳаммамиз илмга берилдик. Сабр-тоқат, илмга ҳавас, катталарга миллатидан, тилидан қатъий назар ҳар бир одамга чуқур ҳурмат — маънавий бойлик ва бутун умрга етадиган вазифа билан бизнинг авлод ўрта мактабни тугатди, катта мустақил ҳаётга қадам қўйди.

Ўша йиллари бизнинг хонадонда бир воқеа юз берди. Ойимлар араб алифбосида чоп этилган китоблар орасидан биттасини олиб ўқиб бера бошладилар. 1947—48-йиллар эди. 6-синфда ўқир эдим. Кечқурун ҳамма ётгач, ойимларнинг ёнларига ўтираман. У киши ҳам бир қулогига ип тортилган кўзойнақларини тақиб, тахминан бир соатча ўқийдилар. Бу китоб «Ўтган кунлар» эди. Афсуски, китобнинг бир неча саҳифаси йўқ экан. Кўп қидирдик. Тополмадик. Шунда дадам кимда шу китоб борлигини айтдилар. Ҳатто бирга олиб бордилар. Бу одам ўзбек эиёлилари орасида катта обрўга эга булган кишилардан эди. У кишининг бошимни силаб айтган гаплари ҳамон асимда.

— Бу китобни сен ҳозир кўрмаганинг маъқул. Эсон-омон мактабни битир, институтга киргин. Ушанда фақат ўқишга эмас, бутунлай бераман уни сенга. Ҳозир бу китобни мендан олганинг маълум бўлиб қолса, мен билан даданга ёмон бўлади.

Кўп ўтмай унинг нега китобни бермагани, нега бундай деганининг сабабларини билдим. Бу воқеа ҳам ўша давр сабоқларидан эди. Кўп ўтмай Шайхзода, Саид Аҳмад, маҳалладошимиз Ҳамид Сулаймоновларнинг қамалганини эшитдим.

— Еттинчи синфда ўқиб юрган кезларим радионинг болалар эшиттиришида суҳандонликка қатнашганман. Ушанда Дилфуза Гуломова, Насиба Иброҳимова, Ақидахонлар ҳам келишарди. Сиз болалар редакциясини бошқарардингиз. Ўша вазифангизнинг ҳам таъсири бўлганми?

— Ўзбекистон радиосини яхши кўраман. Жуда ҳурмат қиламан. Отанинг оғир касаллиги, кейинчалик турмуш тақозоси билан оиламиз моддий қийин шароитда яшаётган пайтда радиодаги Гайни Нажимов, Бурхон Зиёев, Убай Бурхон, Убайдулла Иброҳимов, Исоқ Уктамов, Мираъзам Мираҳмедов, Хилом Худойбердиев сингари устоз радио ходимлари мени ҳали университетни битирмасимдан ёнларига олишди. 17 йилдан зиёд радио ва телевидение соҳасида ишладим. Чуқур ҳурмат ва гурур билан ўша даврни эслайман. У ерни қайнаб турган ҳаёт булоғи, улкан бир маънавий хазина, одамийлик, дўстлик, аҳиллик мактаби дейиш мумкин. Кўпгина ҳикоя, қиссаларим, сценарий ва пьесаларим радиода ишлаб юрган йилларим ёзилган.

— Ижод сизга тез шухрат келтирди. Кетма-кет чиққан қисса ва ҳикояларингиз ўқувчилар қалбига йўл топди. Бу ўзингизга хос талант ва маҳоратингизданми ёки устозларингиз ёрдамиданми?

— Мен адабиётимиздаги ёши улуг наср усталарининг деярли ҳаммасидан миннатдорман. У ёки бу даражада уларнинг ҳаммаси менга катта хайрихоҳлик билан қарашган эди. Гафур Гулом менинг ҳақимда ёзди, Йулдош Шамшаров биринчи ҳикоямни босиб чиқарди. Абдулла Қаҳҳор деярлик ҳар бир ёзган нарсамни ўқиб, фикрларини айтиб турди. Ёзувчилар уюшмасига киришимга бош бўлди. Саид Аҳмад ҳам маслаҳатлари, баъзан ажойиб таҳрири билан ёрдам берди. Одил Ёқубовнинг бир ҳикоямни ўзи журналга, Носир Фозиловга олиб бориб бергани, яна бир ҳикоямни эса ўқиб

радиога келганлари ҳамон эсимда. Уларни ҳеч унутолмайман. Уларнинг кўрсатган энг катта ёрдами — ёзганларини уқиб, улгайдим. Нима ёзмай, уларнинг олим ва оқил фикр-мулоҳазаларини олиб турдим. Ҳозир ҳам улар менга устоз, мен шогирд.

— Куп йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимларида иш-ладингиз. У пайтлар раҳбар деган суз — тиним билмаслик, фидойилик, ҳатто тунга қадар ишхонада қолиш дегани эди. Шундай бўлсада, Сиз ҳали насрда, ҳали драматургияда янги асар билан ўқувчиларингизни хушнуд этардингиз. Ҳозир шун-чалик жонкуяр бўлганингизга ачинмайсизми?

— Йўқ, Муқаддасхон, ачинмайман. Аксинча, бетоблик-дан сўнг уйда ўтирганимданми, ўша даврларни, ишларимни гурур билан эслайман. Эркак киши бирон хизматда бўлгани маъқул. Ёзувчилик мен учун дил иши, фақатгина яшаш ман-баи эмас, шунга урганиб кетганман. Албатта бу ихтиёрий нарса, баъзиларнинг идора хизматига тоқатлари йўқ. Менинг эса уйда ўтиришга кўникишим қийин бўлаяпти.

— Маълум даврда Сизга Шароф Рашидов билан ишлаш насиб этди. У киши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ўртоқ-лашсангиз. Бошқалар ҳатто қўл бериб кўришгани ҳақида катта мақолалар ёзишяпти.

— 1971 йил Шароф Рашидов таклифи билан ишга чақи-ришди. Маданият, радио ва телевидение секторларида ишла-дим. 1974 йили «Ўзбекфильм» киностудиясига директор қилиб тайинландим. 8 йил ўтгач, Шароф Рашидович ҳузурига ки-риб, менга жавоб беринг, кино ишидан бўшамай қолдим, кам ёзаяпман, дедим.

— Кам ёзаётганингиз ёмон, — деди Шароф ака ушан-да. Бошқа ҳеч нарса демади. Икки-уч кун ўтди. Министрлик-ка чақиришди. Шароф ака маданият министрининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлашимни таклиф қилибди. Йўқ, уйда ижод билан шуғуланмоқчиман, дедим. Маданиятимиз жон-куяри ҳурматли Азиз Тураев Шароф ака ҳузурига олиб чиқди. Уларнинг бир гапи қаттиқ таъсир қилди. «Мен ҳам уйда ўтириб ижод қилгим келади. Кимдир ишлаши ҳам ке-рак-ку», деди у киши. Йўқ, деёлмадим. Ўша куни қарор

чиқди. 85-йил баҳоригача маданият вазирининг биринчи ўринбосари, вазири бўлиб ишладим.

Кўриб турибсиз, анча вақт Ш. Рашидовнинг эътиборидаги жойларда ишладим. Унинг ёзувчилиги ҳақида гапиришим қийин, мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Менга шахсан «Кашмир қўшиқлари» жуда ёқади. Бу асарни адабиётимизнинг катта бойлиги ҳисоблайман. Шароф Рашидовнинг давлат арбоблиги ҳақида эса яхши гапларим кўп. Республикамизга зарур бўлган ва пойтахтимизнинг кўркига айланган санъат саройи, Халқлар дўстлиги саройи, телеэшиттиришлар маркази, киночилар уйи шахсан у кишининг номи билан боғлиқ. Шароф аканинг ташаббуси ва ҳаракати билан қурилди бу бинолар. Албатта, шу бинолар бир кун қурилар эди. У киши тезлаштирди, ҳамманинг эътиборини қаратди. Яна бир гап. Шароф ака ҳамма янги китоб, янги фильм, янги спектаклдан доимо хабардор эди. «Севгим, севгилим», «Чули ироқ», «Одам бўлиш қийин», «Қиёмат қарз» асарларим ҳақида менга гапиргани, табриклагани эсимда. Худди шундай ўз асарлари ҳақидаги табрикларни бошқа ёзувчилар, композитор, кино арбоблари айтиб турганларини биламан.

«Ўзбекфильм» киностудиясида мен ишлаган йилларим бир йилда олтита, саккизта кейинчалик ўн иккитагача фильм чиқарди. Шароф Рашидов уларнинг деярли ҳаммасини кўриб, мулоҳазаларини айтишдан чарчамасди.

Бир куни Оқил Умрзоқович атоқли кинорежиссёр Латиф Файзиев билан Шароф ака ҳузурига зудлик билан етиб боришни айтди. Бордик. У киши Ҳиндистонда бўлганида бир афсона эшитганини, бу афсона Панжоб университети ўқув программасига ҳам кирганини айтиб берди. Бухоролик ўзбек йигитининг ҳинд қизига муҳаббати ҳақида эди афсона. Шароф ака уни ҳаяжон билан, худди икки севишганини кўриб тургандек ҳикоя қилиб берди.

— Қалай? — деди охири бизга қараб. Яхшилигини айтдим. Латиф ака ҳам шундай деди. Шароф ака беш-олтита қаламни қафтлари орасида ишқалаб туриб, хулоса қилди:

— Бўлмаса гап бундай. Ўлмас шу афсонани сценарий қилсин. Латифжон қўйсин. Фильмни ҳинд киночилар билан

бирга қилинлар. Ермаш ҳамма гапдан хабардор. Айтиб қўйдим. Ф. Т. Ермаш уша пайтдаги СССР кинематография давлат қўмитасининг раиси эди. Афсус, Шароф ака ўзи бош бўлиб ишга туширган фильмни кўролмади. Ҳиндистонда уни суратта ола бошлаганимизда оламдан ўтди. «Севги афсонаси» лентаси шу тақлид юзага келган. Истиқлолга эришганимиз боис Шароф Рашидов ҳақида, хизматлари ҳақида китоблари чиқмоқда. Мен эса ҳозирча кўрган-билганларимдан қисқача гапирдим, холос. Уни халқимизнинг яхши бир удумини эслаш билан яқунламоқчиман. Ўйибор берган бўлсангиз, қабристонда, марҳум қабрга қўйиб бўлингандан кейин қариялардан кимдир, халойиқ, марҳум қандай одам эди, деб сўрайди. 60 га кираяпман, бирон марта ёмон одам эди деган жавобни эшитганим йўқ. Доим яхши эди, деб жавоб берилади. Собиқ Совет давлати ва раҳбарлари орасида кейинги пайтларда бунинг тескараси бўлиб келди. Оламдан ўтган раҳбарни қоралаш, ҳоки, руҳини безовта қилиш, Шароф акани ҳам четлаб ўтмаган эди. Шукрлар бўлсинким, бутунги кунда Президентимиз раҳнамолигида Шароф ака ўз муносиб кадр-қимматини топаяпти, ҳурмати тикланмоқда. Айни кунда унинг 75 йиллик юбилейини нишонлаш учун комиссия фидойилик кўрсатмоқда. Бу халққа хизмат қилган кишининг номи ўчмаслигини кўрсатувчи бир далолатдир.

— Аксарият ижод аҳли ёлғизликни ёқтиради. Айниқса, ҳозирги одамларнинг асаби таранглашган пайтда. Сизнинг ижод қилиш услубингиз ҳам шундайми? Азалданми, ё...

— Мен ҳам ёлғизликда ижод қилишни яхши кўраман, бу одат азалдан, ўзгаргани йўқ.

— Сезаётган бўлсангиз одамлар кайфиятида бефарқлик, лоқайдлик кучаймоқда. Баъзиларнинг кўнглида эртанги кунга умид қолмаяпти. Ким билан сўзлашманг ҳаётнинг қизиги қолмади, дейди. Сизнингча бунинг асл сабаби нимада? Сизда шундай ҳолат бўлмайdimи?

— Ҳаётнинг қизиги қолмади деган гапга қўшилмайман. Ҳаёт ҳар доим қизиқ. Уша қизиги қолмаган оғир дамларда ҳам қизиқ. Ўз қийинчилиги, оғирлиги, машаққатлари билан қизиқ. Чунки шундай пайтда одам бошга тушган шу оғирлик-

лар, машаққатларни енгишга бошқа пайтлардагидан кўпроқ интилади, ўзида қандайдир қўшимча гайрат, ирода пайдо қилади. Ҳар ҳолда шундай бўлгани бефарқлик, лоқайдликка кўникилмагани маъқул. Акс ҳолда яшаш қийинлашиб кетади. Ҳаётнинг қизиғи қолмади, деган гап бу тирикчилик қийинлашиб кетганидан. Ноумид бўлмасак, эртанги кунимизга ишонч билан қарасак, кўнгил кутарилади. Яшаш, ишлаш осон бўлади. Келажак яхши бўлишига шубҳам йўқ.

— Биров истиқлолга эришдик деб суюнади. Бошқаси узоқ йиллар йўқотган қариндош-уругини хориждан топганига маст. Яна бир тоифадагилар эса олди-сотдининг пири бўлиш билан овора. Қолганлар эса аксинча, аввал икки марта қайнаган қозони энди зўрга бир марта қайнаётганидан, нарх-наводан эзилади. Шуларга ўз муносабатингизни билдирсангиз.

— Оилада бирор жанжал кўпинча нимадан келиб чиқади? Йўқчиликдан. Ўзбек халқи сабр-тоқатли халқ. Яна озгина чидасак, тинчлик, осойишталик барқарор бўлиб турса, ҳаётимиз ўзгариб кетади. Ҳеч шубҳасиз, адабиёт, санъатга қизиқиш кучаяди. Ҳамма қадриятларимиз ўзига яраша баҳоланадиган, фақат пул билан ўлчанмайдиган бўлади.

Шу суҳбатдан фойдаланиб, мен барча ишбилармон ака-укаларимизга, турли ширкатлар раҳбарларига, давлат идоралари ходимларига мурожаат қилмоқчиман. Инсоният тарихида давлатлар, халқларнинг обрўси, тутган ўрни адабиёти, санъати, маданиятига боғлиқ. Қайси давлатда, мамлакатда адабиёт, санъатга ҳомийлик кучли экан, шу давлатнинг ҳамма ишида барака бўлади. Маданиятга сарф қилинган маблағ ўн баравар, юз баравар кўпайиб қайтади. Шунини билиб иш қилган одам кам бўлмайди.

— Ҳозирги ишингиз ва ижодий режаларингиз ҳам муштариоларни қизиқтиради.

— Кинорежиссёр Латиф Файзиев билан араб афсоналари асосида бир фильм яратмоқчимиз. Бу фильм ҳам ёшлар ҳақида, севги ҳақида бўлади. Ҳозирги ёшларимиз ҳақида насрда бир асар ёздим. Озгина фурсат ўтиб, ўқиб кўраман. Узимга маъқул тушса, китобхон диққатига ҳавола қиламан.

— Республикаимизнинг ўзбек халқининг беш-ўн йил ке-

йинги ҳаётини кўз олдингизга келтира оласизми? Сизнингча у қандай бўлади?

— Ўзбек халқи катта тарих, бой маданиятга эга. Мустақилликда яшаш йўлларини жуда тез эгаллайди, эгаллаётти ҳам. Республикамиз Шарқнинг энг обрўли, шухратли давлатларидан бирига айланади. Бунга шубҳам йўқ.

— Ҳаётнинг мазмунини асли меъёр, инсоф, диёнат, қадр-қиммат белгилайди. Назаримда ҳамма ўз манфаатига шунчалик берилиб кетяптики, у хислатлардан асар ҳам қолмаяпти.

— Ҳозир ҳамма қадриятлар, сиз айтган фазилатлар ўрнини пул топиш, тирикчилик ташвишлари эгаллади. Қорин очгандаги энг яхши товуш — капгир товуши деган гап бор. Эшитганмисиз? Озгина вақт ўтсин, қорин ҳам, кўз ҳам тўйсин, ана ўшандан кейин ҳамма нарса ўзгаради. Энг муҳими одамлар ўзгаради. Бир-биримизга ҳурматимиз ортади. Инсоф, диёнат, поклик ҳаётимизга ҳукмронлик қиладиган бўлади. Мен шундай кун келишига ишонаман. Ёшларнинг шундай кунларга етиб мутлақо бошқача ҳаёт кечиришларига илм, адабиёт, санъат улар ҳаётининг ажралмас қисмлари бўлишига ишонгим келади.

— Узлигимизни танияпмиз. Тарихни, авлод-аждодимизни урганапмиз. Бу яхши. Лекин етти пушти авлодимиз билан овора бўлиб тирикларни унутаятганимизни сиз ҳам сезаяпсизми?

— Бу ҳозирги қийинчилик даврининг аломатлари. Меҳроқибат, қадр-қиммат пул билан ўлчанадиган даврларда шундай бўлади. Имоним комилки, ҳаммаси вақтинчалик.

— Ота-боболаримиз лафзни қадрлашган. Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас дейишарди. Ҳозир сиёсатда ҳам, бошқарувда ҳам, одамларда лафз қолмади чоғи. Бутун қора, эртага оқ, индинга... Шунга кўра баъзи қалам аҳллари ижод йўналиши шамолга ўхшаб қолаяпти. Қай томондан ўзига безарар бўлиб, нафи тегса, уша тарафга эгилади. Бу ишончнинг йўқолишига олиб келмайdimи?

— Адабиётлар тарихида, шу жумладан, бизнинг адабиётимиз тарихида шамолга қараб қалам тебратишлар кўп бўлган. Булар ҳаммаси ўткинчи. Халқ дарди куйланган китоблар

қолади. Халқ маданияти даражасини, жаҳонда тутган ўрнини шундай асарлар белгилайди. Биз шуни хурсанд бўлиб қайд қилишимиз керакки, ана шундай асарлар бизда кўпроқ. Ҳозирги огир дамларда ҳам улар ёзилапти. Умуман олганда, ёздиган даврлар келди. Мустақил Ўзбекистонимиз қаламкашлари айниқса, ўрта ва ёш авлод ўз халқини ажойиб асарлари билан хурсанд қилишади. Кўрасиз ҳали, обрўсини жаҳонга олиб чиқишади. Бундай истеъодлар жумҳуриятимизда талайгина. Шундан хурсандман.

— Улмас ака, мароқли суҳбатингиз учун ташаккур. Соғлиқ сизга ёр бўлсин.

1992 йил 8 октябрь. «Туркистон» газетаси

## ШАРОФАТЛИ АЁЛ

Гўдак туғилгач, ҳар бир ота-она унга муносиб исм танлашга уриниши табиий. Биров хусн-жамолини кўзлайди, биров баҳодирлигини уйлайди... Аксарият ҳолларда кейинчалик ҳар бир инсонда ўз исмининг мазмуни баъзиларда ташқи кўринишида, баъзиларда феъл-атворида, баъзиларда ички қиёфасида, хатти-ҳаракатида маълум даражада ифодасини топади.

Шарофат опа асли Жамбулда туғилган. Ўша ердаги 16-сонли ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари кўпчиликка унинг исми жуда ёқарди. У катта бўлган сайин ота-онаси шарофатли бўлишини кутишарди. Мактабни тутатгач, меҳнатта чечан қиз тикув фабрикасида ишлай бошлади. Бу ерда ҳам ширин муомаласи, хуш тарбияси, муҳими ҳар қандай ишни уддалай олиши билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. Чиндан-да, яратган ҳар бир инсонга ақл-заковатни тенг берса ҳам, уни идрок билан юргизиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Шарофат эса уша пайтдаёқ фабрика жамоаси ўртасида идрок билан ажралиб турарди. Кўп ўтмай у оила қурди. Ахир бундай қўли гул, чаққон қизларни ким келин қилишни орзу қилмайди дейсиз. Беш йил мобайнида унинг юқори меҳнат кўрсаткичлари, ибратли фазилатлари кўпчиликнинг оғзига тушди, йиғилишларда гапирилди. Чунки, у жуда қийин шароитда

ҳам идроки билан қийин муаммоларни ҳал эта олиш қобилиятларини намоён этганди. Шу боис уни савдо соҳасида таклиф этишганда йўқ демади. Бунинг учун махсус курсни тугатди. Уқуви кучли бўлганини ҳамда оз муддат саноат моллари савдоси бошқармасида кассир бўлиб ишлагандаги ташаббус ва тадбиркорлигини инобатта олиб курсни тугатгач магазинга мудира қилиб тайинлашди.

Уша Жамбулдаги 41-магазинда мудира бўлиб ишлаб юрган кезлари савдо соҳасидаги билимини оширишни кузлади, эзгу ниятларини амалга ошириб одамларга холис хизмат қилишни ўйлади. Шу мақсадда Олмаатадаги 6 ойлик курсга ўқишга кетди. Тез орада ён-атрофидагилар ҳам Шарофатнинг идрокини тан олди. Чунки ундаги иқтидор, кунт чинданда, ҳавас қилса арзигулик эди. Яна бир муҳим жиҳати, кўп ҳолларда бундай кишилар жуда кибр-ҳаволи, ўз манфаатини кўпроқ ўйлайдиган бўлади. Шарофат эса аксинча, ўзгалар ташвишида қайгурарди. Курсни тугатгач, 1979 йили у Тошкентга кўчиб келди. Ота-боболаримиз айтишади-ку, одамнинг риску насибаси турли ерларга сочилган бўлади, деб. Тақдир тақозоси билан уни териб-териб ер экан.

Шарофат Тошкентда дастлаб «Ўзбекбирлашув»да мол тарқатувчи бўлиб ишлади. Орадан бир йил ҳам ўтмасдан темир йўл ишчилари таъминотига дўкон мудирини вазифасига тайинлашди. Негаки, у қаерга бормасин қадами шарофатли келарди. Унинг бу қадар меҳнатқашлиги, удабурронлиги, идроклиги бу ерда ҳам кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Темир йўл ишчилари излаган нарсани вақтида топширганидан хурсанд, магазин мудирини эса уларнинг оғирини енгил қила олаётганидан хурсанд. 5-сон магазин жамоаси бир неча йиллар давомида бу аёлдан кўп нарсаларни ўрганишди.

Вақт оқар дарё дейдилар. У бир дам тўхтамайди, ўтиб кетаверади. Буни ҳис қилган одамларгина лаҳзаларнинг қадрига етади. Шарофат опа азал-азалдан ҳар куннинг, ҳар лаҳзанинг қадрига етиб, ундан тўғри фойдаланиб келган. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш ишлари бошлангач, ўзи ишлаётган дўконда жамоа корхонаси тузди. Унга кўпчиликнинг таклифи билан «Шарофат» номи берилди. Уша

кунлари бошқа жойлардаги каби аввало у ҳам ижара пудратини йўлга қўйди. Бу ерда ишлайдиган 23 ишчиларни сара-лаб чиқди. Қўлидан иш келадиган 12 нафарини олиб қолди. Ижара пудратида ишлаб юриб, мустақил хўжалик юрита бошлади. Иккинчи маротаба яна қисқариш қилиб, бор-йўғи 6 нафар ишчини олиб қолди. Шу давр мобайнида магазин энг қолақ хўжаликдан энг юқорилар қаторига ўтди.

Аёл боши билан у магазинни таъмирлади. Қирганда у ердаги аҳволдан чўчийдиган харидорлар энди кўркемлигидан диллари яйрарди. Ақл-заковатли, идрокли мудира магазинни 3 бўлимга бўлди. Махсус нон-сут дўкони очди. Шу даврда хусусийлаштириш ишлари бошланди. Аммо, бу борада у анча қийналди. Лекин, тутган йўли тўтрилигини билгани учун ортга қайтмади. Ахийри, ўтган йили апрел ойида магазинни тўлалигича хусусийлаштириб олди. Бундан хабар топган харидорлар севинишди. Чунки, улар энди истаган пайтда излаган нарсаларини топишларига ишонардилар. Шу боис, «мудира Шарофатхон, шарофатли келди, аслида ҳам шарофатли аёлда» дейишарди.

Ишбилармон уша кунлари негадир Ҳамза Ҳакимзоданнинг «Келди очилур чоги, ўзлигинг намоён қил» сатрини тез-тез эсларди. Президентимиз томонидан шароит яратилди, имкон берилди. Идрокни ишга солмоқ лозим. У шу ён-атрофдаги аҳолига сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериш учун «Пскент» ассоциацияси, ҳамда Қўқон сут маҳсулотлари комбинати билан шартномалар тузди. Аҳоли ҳар куни дудланган пишлоқ, мазали қаймоқ-қатиқларни севиниб-севиниб харид қилишмоқда. Бундан ташқари темир йўл улгуржи савдо-сотиқ базаси ва кўпгина бошқа кичик корхоналар билан ҳам шартнома тузди. Буларни бажаришда, келган молларни аҳолига сотишда унга сотувчи Баҳодир Ибодуллаев, Комила Абдуусмоновалар яқиндан ёрдам беришади. Уларнинг ҳар иккиси ўн йилларча олдин шу дўконда Шарофат опага шоғирд тушишган эди. Талабалик йиллари бўш пайтларда келиб иш ўрганишарди. Олий маълумотли бўлишгач, савдо ходимига хос бўлган фазилатларни уларда мужассам этганидан кўнгли тўлгандан кейингина сотувчи қилиб қолдирган. Ҳозир Баҳодиржон ҳам, Комилахон ҳам

худди устозларига ўхшаб, куни, вақти бекор ўтса ачинадиган, меҳнатга фидойи бўлиб етишишган. Ишнинг юришганидан кўнгли тўлагач, тадбиркор ўзининг бир дўконини аҳолига кўпроқ фойда келтириш мақсадида Покистоннинг «Ташчинёт» фирмасига ижарага берди, улар билан шартнома ҳам тузди. Унинг директори Фаррух Шамил Шарофат опа билан мол айирбошлаш ҳамда бир йилгача ёрдам тариқасида мол билан таъминлаб туриш ҳақидаги шартномани бажариб келмоқда. Бу дўкондаги Покистоннинг харидоргир маҳсулотларини аҳоли жонжон деб сотиб олишаяпти.

Тадбиркор аёлнинг яна бир ўзига хос фазилати бор. У ҳам бўлса даромад, фойдани тўғри сарфлаш. Олти кишидан иборат жамоа тақдирини ўйлаб, меҳнат қилгандан кейин роҳатини кўрсин деган мақсадда, ҳар бир сўмни жойига ишлатишга уринади. Бўлмаса, фақат сув учун, авваллари қанча пул тўлашарди. Хужалик ҳисобига ўтгач зарур жойларга сув ўлчагич ўрнаттирди. Шунинг ўзидан қанча маблағ ўзларига фойдага қолди.

Нафақат Шарофат опа, ундаги бу каби тадбиркорлик, ишбилармонлик яккаю ёлғиз ўгли, кўзининг оқу қораси Зафаржонга ҳам ўтган. У ҳам онасининг йўлини танлаб, дастлаб маҳаллий саноат корхонасида ишлаб юрган кезлари алоҳида иш юритишни ният қиларди. Кечқурунлари онасидан ишлари ҳақида сўраб, ўзича йўл-йўриқ урганарди. Кейинчалик ип, қолип ва яна алланарсаларни тўплади. Кичик корхона очиб рўйхатдан ўтказди. Корхона учун маҳалла ичидаги ҳовлини танлашди. Шарофат опа унинг ташаббусини маъқулади. Ёрдамини аямади. Зафаржон маҳалладаги йигитлардан ёнига олиб, оёқ кийимлар тикишни йўлга қўйди. Айни кунларда «Насиба» кичик корхонасида тикилган аёл ва эркакларнинг оёқ кийимларига талаб кучли. Чунки, ишбоши Зафаржон уларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта, сифатли бўлиши учун елиб-югуради, фидойилик қилади.

— Биз аёлларга авваллари ҳеч ким ишонмасди, — дейди Шарофат опа биз билан суҳбатда. — Ҳозирги давр, истиқлол эса хотин-қизларнинг нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Ҳа, ҳозир аёллар ўзини кўрсатадиган вақт келди. Вақтни

қўлдан бой бермаслик керак. Биласизми, баъзида кечаси билан эртанги қилинадиган ишларнинг режасини тузиб чиқаман. Келибоқ, бошқаларга айтиладиган бўлса, келишиб оламан. Оллоҳга шукр, ишимиз ёмон бўлмаяпти. Одамлар ҳам хурсанд, биз ҳам.

Шарофат опа тўғри айтдилар, тадбиркор она-боладан фақат магазин ён-атрофидагилар эмас, ҳатто «Мерган» маҳалла аҳли ҳам миннатдор. Чунки, шарофатли аёлга, унинг тадбиркор ўғлига оллоҳ катта қалб, саховат ҳам берган.

— Булар янги кўчиб келишганда, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Ақром ака, — қўни-қўшни суюндик. Чунки Шарофат опанинг юзидаги нур кимлигини айтиб турарди. Бундан ташқари келибоқ маҳалладаги кам таъминланган хонадонларга ёрдам қилишди. Бундан боши осмонга етган маҳалла қариялари она-болага оқ фотиҳа беришди. Ҳали ҳануз ҳар Наврўзда, турли хил тадбирларимизда ўзларининг ёрдамлари билан раҳматта сазовор бўлишади, дуо олишади.

Халқимизда «олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми» деган гап бор. Балки Шарофат опанинг, Зафаржоннинг иши юришаётгани шу дуо олишаётганидандир, балки уқуви, идрок кучлилигидандир, балки омадлигидандир... Нима бўлганда ҳам Шарофат опанинг шарофатли аёллигини кўпчилик тан олмақда. Қадами етган, қўли теккан жой ободлашмоқда.

## МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Умр оқар дарё дейдилар. Ёшлик чоғларда унинг тез ўтаётганини сезмас экан киши. Вақт ва умр қадрини, ҳаёт деган муқаддас туйғу нима эканлигини ёшинг улғайгандагина тўлалигича тушуниш мумкин бўларкан. Ана шунда ҳар бир осойишта, хотиржам, тансиҳатликда ўтган кун учун Аллоҳга шукроналар бўлсин деймиз. Хаёлан ўша пайтларга сайр қилиб, ширин лаҳза ва хотираларни эслаб, атрофдагиларга сездирмай, йиглаб ҳам оламиз. Гоҳида эса вужудимизда илиқлик, хушқайфиятни ҳис қиламиз. Юрагимизда аллақандай меҳр, муҳаббат уйғонади. Айниқса синфдош, курсдош дўсту ёрларни кўргимиз, улар билан сўхбатлашгимиз келиб қолади.

Буни ҳаёт дейдилар, дунёнинг ишлари шунақаки, синфдош ва курсдошларни йиллар давомида кўрмай кетамиз, кейин эса юқорида таъкидлангандек, соғиниб эслаймиз. Бизда ҳам шундай бўлди. Олийгоҳни битиргач, ҳамма ўз йўли, йўриги билан кетди. Иш, оила, бола-чақа... Эрта бўлди, кеч бўлди. Фарзандларимиз тезроқ катта бўлишига шошилдик. Улар уйли-жойли бўлишди, сўнг набираларнинг оёққа туришини кутиб эркаладик. Узимизнинг умримиз ўтиб, ёзимиз улгаяётгани хаёлимизга келмасди. Энди ўйлаб қарасак, умрнинг ярмидан кўпи ўтиб кетибди, ҳар куни синфдош ва курсдошларни кўргимиз келиб соғинадиган бўлдик. Улар бизга гўё уша болаликни, ёшликни қайтариб берадигандек... кўришмаганимизга эса эҳ-ҳе қанча бўлибди.

Уша соғинч йўлга етаклади. Дастлаб Муҳаббат Ниёзбековага сим қоқдим. Унда ҳам худди шу туйғу борлигини овозидан билиш қийин эмасди. У Турсунойнинг ўғли хориждан келгани баҳона йўқлашни таклиф қилди. Бордик. Уша дамдаги қувонч ва ҳаяжонни ифодалаш осон эмас. Кейин эса Раъно, Гули, синфдош Муҳаббат. Мамлакатни йўқлаб топдик. Биринчи учрашганининг ўзидаёқ бир-биримизга болалик ва ёшлик туйғуларини ҳаёти эта олдик. Рихлатга кетганларни эслаб йиғладик ҳам.

Сухбатимиз мавзуси ўқитувчилар, бирга ўқиган йиғит-қизлар. Оила, иш, фарзандлар бахти, камоли. Бизнинг боришли-келишли бўлганимиз ўтил-қизимизга ҳам манзур бўлди. Уларнинг барчаси ушбу анъанани қўллаб-қувватлашди. Чунки ҳар учрашганимизда қанчалик суюнганимиз, чиндан-да ёшарганимизни кўришади-да.

Раъно Турдиева ёшлигида ҳам огир, вазмин, камгап эди. Уч ўтил ва икки қизни вояга етказди. Зангиота туман газетасида, идораларда ишлади. Ҳикмат ака билан уй-жой қуришда, фарзандларни муносиб тарбиялашда елкадош бўлди. Ҳозир набиралар даврасида, катта буви бўлиб эвара кўриш насиб қилсин деган ниятда умргузаронлик қиляпти.

Муҳаббат Ниёзбекова асли чип-чиройлилардан. Аёллар гузал кўриниш илинжида юзларига қизил суришади. Унинг яноқларидан эса ҳамон қизили кетмаган. У ўзининг журналист-

лик касбига жуда садоқатли чиқди. Ҳатто турмуш уртоғи Обид акани ишлашга Самарқанд, Қашқадарёга жўнатишганда уша вилоятлар газетасида ишлади. Олий таълим вазирилик, «Ўзбекбирлашув» каби масъулиятли жойларда ҳам самарали меҳнат қилди. Тарғибот ишларини бажарди. Икки ўғил, бир қизи ҳаётда ўз йўлини топган. Обид аканинг оламдан утганига икки йил бўлди. Фарзандларига ҳам ота, ҳам оналик қилмоқда.

Ғули бир-икки ёшга катта бўлгани учун ўргатишни, камчилигимизни айтиб, маслаҳат беришни яхши кўрарди. У Қузи-вой ака билан турмуш қурганда беш фарзанд устига келди. Ўзи қиз кўрди. Уларнинг барчасини бош бўлиб уйли-жойли қилди, кези келса ишлади, керагида уйда қолди. Ҳозир қўша қариб, роҳат-фароғатда яшаяпти.

Турсуной ҳам касбига садоқатли бўлди. Радиода ишлади. Бахтини уша ерда топди. Абдурахмон ака билан оила қуриб, уч ўғил кўрди. Улар отадан ёш қолишди. Ҳаёт сўқмоқларида қанчалик қоқилиб-йиқилмасин Турсуной уч баҳодирини ўқитиб, илми қилди. Интилганга толе ёр дейишади. Инглиз тилини мукамал эгаллаб, хорижда ўқиб қайтишди. Уни индамас, «ичимдагини топ» хислати ҳамон тарк этмаган.

Яна бир Муҳаббат ҳам синфдош. У узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган. Саттор ака билан яшаб, уч ўғилни вояга етказишди. Улар ҳунар эгаллашган. Набираларнинг олди олийгоҳда ўқияпти. Камтар, етти ўйлаб бир гапирадиган. Уч келинга меҳрибон қайнона, қатор набираларга суюкли буви...

Қарийб беш йилдирки, ҳар ойда учрашамиз. Ҳар сафар суҳбатлашсак ҳам гапимиз тугамайди. Бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат ортиб бораётганини сезамиз. Гоҳида кейинги учрашувга қадар бир ой йилдек узун туюлади.

Яхши, ёмон кунда бирга куюнамиз, бирга суюнамиз. Мамлакатнинг қаторимиздан хато бўлгани бизга умр, кун, лаҳза ва дўстликнинг қадрига етиш кераклигини ёдга солади. Ёшлик, болаликдаги дўстлар ёш улғайганда вужудимизга зарур бўлган «дармондори» эканини эслатади. Болалик, ёшлик, умр ўтавераркан. Лекин уша йиллардаги меҳр қолар, муҳаббат қолар экан.

## ДЎСТ БЎЛСАНГ ЁНИМДА ТУР

Ривоят қиладиларки, тўқсонни оралаб қолган отахон уйда ёлғиз эканлар. Бир пайт эшик тақиллабди. «Ким» деб сўрабдилар. «Мен Муҳаббатман» деган жавоб келибди. «Ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим, сени нима қиламан» дея хотиржам утирибдилар.

Бир оздан кейин яна эшик тақиллабди. «Ким?» дея овоз чиқарибдилар. «Мен бойликман» деган жавоб келибди. «Тўқсонга яқинлашдим. Бойликнинг кераги йўқ» дебдилар отахон. Учинчи марта эшик тақиллаган экан «ким» деб сўрабдилар отахон, шунда ташқаридан «Мен дўстман» деган товуш келибди, Отахон. «Ҳозир, ҳозир очаман, дўст доим керак» дея шоша-пиша эшикни очган эканлар.

Чиндан-да дўстлик муқаддас туйғу. Унинг ҳам турлари бор. Шунчаки дўст, қадрдон, суянган дўст, сирдош, гойибдан доимо ёнда турадиган дўст... Карима Авазбаева билан Турсуной Мажидова ана шундай дўст бўлишган. Бу дўстликнинг куч-қудратини ушанда юракдан ҳис қилдим.

Карима ойи бандалик бўлибдилар деган хабар келди. Кўпдан бетоб эдилар. Тўнгич набиралари куёвим, қолаверса қудачилигимиз боис эртaroқ боришга ҳаракат қилдим. Ҳовлию кўчага бирпасда одам сигмай кетди. Уларни ўқитувчи бўлиб ишлаганлар, фарзандлари, эл-юрт учун хизмат қилиб қўйган. Бодомзор маҳалласи Бодомзор бўлгандан буён бунчалик оломонни кўрмаган эди, уч кўча нарида ҳам одамларнинг охири кўринмасди. Биз аёллар марҳумани «дой-вой» қилиб кузатиб қолдик. Шу пайт юракдан эзилиб йиғлаётган Турсуной ойига кўзим тушди. Улар Карима ойидан уч-тўрт еш катта эканликларини билардим, юпатишга уриндим.

Хаёлан йигирма йил ортга назар солдим. Вазира ойи, Хатира она, Тошхон хола каби бир гуруҳ тенгқурлари орасида қирқ йиллик қуда бўлишгани учун эмас, балки ораларидан қил ўтмайдиган сеҳрли дўст бўлишганини эсладим. Улар доимо бирга юришарди, тадбирларда бирга ёнма-ён утиришарди.

Ҳар иккалалари вақтида хўп ишлаган. Карима ойининг ўнлаб ўқувчилари бутун республикамизда таниқли илм аҳлла-

ри. Ўзларининг беш фарзандларини ҳам муносиб тарбиялаганлар. Нафақат фарзандлари, балки йигирмага яқин набиралари ҳам ҳаётда ўз ўрнини топиб, эл-юрт фаровонлиги йулида фидойилик кўрсатишмоқда. Эваралар ҳам анча қаторга қушилиб қолишди. Карима ойи звара куёв кўришни ният қилган эдилар...

Турсуной ойи туққиз фарзандни муносиб тарбиялаган. Юнусобод тумани хотин-қизлар жамоат ишларида энг фаол бўлиб танилганлар. Ўйиборли томони шундаки, бу авлод вакиллари бир-икки эмас беш-ўнталаб болани, кенг-тор ҳовлини, оилани, ишни эплашган. Оила бошлиги — эр кишининг ҳурматини жойига қўйишган. Дустликни ардоқлаб, унинг қадрини кўз қорачигидек асраб авайлашган. Саксон ёшга қадар улфатчилик қилиб, одам тафтини одам олади қабилида иш тутишган.

Ҳар иккала қуда ўртасидаги иноқлик, ҳурмат туфайли фарзандлари, набиралар қурган оилалар ҳам мустақкам. Улар ўртасидаги муносабат невара қудаларга ҳам ибрат. Қариндош-уруғларнинг бир-бирига оқибати-меҳри ҳам ана шу она-хонлар туфайлидир.

Тиловат ўқилгач, ҳамма бир-бир Карима ойининг фазилатларини эслади. Турсуной ойи:

— Бунақанги кучли ирода, самимийлик ва одамшавандликни Аллоҳ ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди, — дедилар.

— Узоқ-яқинсан демасдан барча қариндошларни бирлаштириб кетдилар, — деди Муҳайё.

— Собир тоға (фарзандларининг отаси) вафотларига неча йил бўлди. Ҳали-ҳануз бизларни ҳам вақтида йўқлаб, эсдан чиқармасдилар, — қушиб қўйди Мавжудахон.

Хуллас шу куни Карима ойидаги ибратомуз фазилатлари санаб тугата олмадик. Эртаси-индини куни ҳам фотиҳага келган гуррос-гуррос одамлар марҳуманинг у ёки бу қилган яхшилигини эслаб кўз ёш қилишарди. Яхшилик, эзгулик унутилмас эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Орадан бир неча кун ўтди. Маъракага тўпландик. Аввалроқ борганим учун Турсуной ойини бошқалар қатори кутиб

олдим. Лекин онахоннинг шу уч-тўрт кун ичида қанчалик ўқиниб, сўлиб қолганлари яққол кўзга ташланарди.

— Ёнингда турган дўстни йўқотиш қийин экан, болам, анча мазам қочди, — дедилар. Уч кам тўқсон ёшли 38 нафар невара ва 44 нафар чевара кўрган онахоннинг бу сўзларидан дилимда алақандай туйғу уйғонди. Ич-ичимдан «Одамлар, дунёда яхшилик қилинг, хотира бўлади, дўст ортиринг, мадор бўлади» деган ҳайқирик келди.

Бир-бир кўришиб булғач, бошқалар ҳам Турсуной ойидаги ўзгаришни, «чўкиб» қолганларини сезишди чоғи, бир-биринизга қараб қўйдик. Қизлари — қудам Озодахон маъноли нигоҳимни ўқиб, «чинакам дўст қуда бўлмишликда, илоҳим шуларга ўхшаб юришлик насиб этсин» дегандек бош ирғаб қўйди. Дастурхон устида Хатира хола (тенгқурлари) тиловат қилдилар. Қутлуг ёшга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтдилар.

— Бунда ҳам дўстликнинг ўрни бор, — деб қўшиб қўйдилар Турсуной ойи. — Дўстлигу, қудачиликни қадрлаган кишининг умрини Аллоҳ зиёда қиларкан.

Ҳа, дўст бўлсанг ёнимда тур деб бежиз айтилмаган экан. Иншооллоҳ, ана шундай сеҳрли, илоҳий дўстлигу-қудачилик барчамизга насиб этсин.



*Воқеий хикаялар*



## МАЛОМАТ ТОШИ

Оллоҳ буюрган бешта фарз бор. Уни ҳамма билади. Аёлдир, эркакдир, уни бажаришга, нариги дунёга ёруғ юз билан боришга уринади. Ойхон хола ҳам бутун ҳаёти давомида шунга ҳаракат қилган. Беш вақт намозни қанда қилмайди. Хайру закот бериш азал одати, рўза кунлари саҳарда биринчи унинг чироғи ёнади. Йиллар давомида ҳажни орау қиларди, иншооллоҳ, бу йил нияти ижобат бўлди. Кўпчилик қатори Каъбатуллоҳни зиёрат қилиб қайтди. Келгандан буён уйдан одам аримайди, ҳали маҳалла-қўй, ҳали қариндош-уруғ дегандек — гуррос-гуррос зиёратта келишмоқда. Маҳалладаги энг катта ҳовли уники. Эридан мерос қолган. Гоҳида шу ҳам торлик қилиб, эшик тагида навбат кутиб қолишяпти. Икки ўғил, беш қизи ва келинлари елиб-югуриб хизматда. Уларнинг ҳам қувончлари чексиз. Айниқса, шаҳардан келган Аваз ўғлини айтмайсизми... Онасини ҳажга у жўнатди-да. Ойхон хола эридан ёш қолди. Етти фарзандни оқ ювиб, оқ таради, ўқитди, илми қилди. Шукр, ҳозир ҳаммаси ўзидан тинган. Бири дўхтир, бири ўқитувчи, бири инженер, набиралар талайгина. Ишқилиб, ҳаммаси йўлини топган. Тунгичи Аваз насиб қилса, албатта Маккаи Мадинага жўнатаман дерди. Оллоҳ буюрган вақт шу йил экан. Тошкентда ўзи самолётта кузатиб қўйди, ўзи кутиб олиб, қишлоққа олиб келди. У Ойхон холани кўпчилик «ая» деб чақиринини биларди. Лекин зиёратта бу қадар тумонат одам келишини кутмаганди. Яна денг, кўпни кўрган қариялар эшик олдида туриб, қўл очиб, Авазга дуои фотиҳа ўқиб, раҳмат деб кетишмоқда. Улар ҳар дуо қилишганда Аваз ён-атрофга қараб, ўзича фахр туйғусини ҳис қиляпти.

Шу дам кўчанинг ҳў нариги бошидаги катта дарахт панасида гоҳ мўралаб, гоҳ ўзини четга олаётган кимсани ҳеч ким пайқамаяпти. У Ойхон хола қайтган кундан бошлаб шу ерда.

Келадую, одамлар кўзига кўринишдан уяладими, мўралаб-мўралаб қайтиб кетади. Уша тарафга одамлар юргудек бўлса, девор ортига беркинади. Бу Омонтўра, Ойхон холанинг акаси. Асли исми Омон. Негадир, ҳамма «тўра»ни қўшиб айтади. Ёши етмишга етай деб қолган, Ойхондан бир-икки ёш катта. Улар асли ота-онадан беш фарзанд, уч ўғил, икки қиз, Ойхон қизларнинг каттаси, икки ўғил утиб кетишганига беш-ўн йил булди. Омонтўранинг ўзи қолди. Кичик синглисини гоҳ-гоҳ кўриб туради, лекин Ойхоннинг олдида юзи шувут, унга бир пайтлар ноҳақ отган маломат тоши ака-сингил уртасида йиллар давомида қалин девор бўлиб келмоқда. Фақат ўзи учун эмас, хотин, бола-чақаси учун ҳам...

...Ўшанда Авазнинг уйланганига бир-икки йил булганди. Навбат менга келди деб укаси Анвар қўшни қизни кўз остига олибди. Онасига айтган эди, акаси ҳам, онаси ҳам яхши уйлабсан дейишди. Қиз-йигит учрашиб юрганини кўпчилик билди ҳам. Бу гап Омонтўранинг қулоғига етиб келди, асли ўша қизни катта ўғлига мўлжал қилиб юрганди. Темирни қизигида бос, қабилида иш тутди, эшитган кунининг эртасигаёқ ўша қизга совчи қўйди. Ахир ким йўқ дея олади. Ширкат раиси, обрўси баланд, уй-жойлари қўшқаватли.

Қизнинг ота-онаси ҳангу манг бўлиб қолишди, лекин Омонтўранинг бир сўзлигини билишарди. Ойхон опа нима деркин, кўздек қўшни. Бунинг устига икки ёш ўртасидаги муносабатни ҳамма билади. Уйчи уйлағунча таваккалчи иш битиради, дейишади. Омонтўра ишни чўзиб ўтирмади, синглисининг кўзига чўп солаётганини билса ҳам тўғридан-тўғри совчиликка эркакларни жўнатди. Тўй тараддуди бошланди. Анварнинг кўнгли ўқиб, боши эгилиб қолди. Ойхон эса кўпчиликнинг ичига киришдан ўзини тортди. Икки тараф ораули экан. Тўйнинг довруғи етти маҳаллага кетди. Айтилмагани учун Ойхон ҳам, ўғил-қизлари ҳам тўйга боришмади.

Тўйнинг тўртинчи куни хунук хабар тарқади: куёв ўзини осиб қўйибди. Ойхон анча уйланди: Анварни олиб борсаммикин, ё Авазнинг келишини кутайми? У уйлай-уйлай ахйри кўп қатори ўзи боришга қарор қилди, нима булганда ҳам жигари-ку, бегона эмас.

У минг хаёллар билан отланди. Йўлда бир-икки нафар

танишлар кетишадиган экан. Уларга эргашди, етиб боришганда, хотин-қизлар, ёшу қари тумонат уша ерда эди, Ойхон юраги тўлиб кўча эшикдан йиғлаб кирди, ҳовлига кириб учтўрт қадам юргани замон бошига нимадир «гуп» этиб текканини, кейин юз-кўзи аралаш тошдек қаттиқ қўллар ураётганини сезди. Дам ўтмай, ҳушсиз ерга йиқилди. Шу алфозда Омонтуранинг ўзи, хотини, қизлари ерда думалаб ётган Ойхонни аламзадалик билан дўппослаб тепишарди.

— Углимни сен ўлдирдинг, сен.

Омонтуранинг бу гапини эшитганлар:

— Бунда нима гуноҳ, қўйсаларинг-чи, уят эмасми. — Бир нечта одам аза у ёқда қолиб, Ойхон билан овора бўлишди. Яхши ҳамки Анварни Оллоҳ етказди. «Тез ёрдам» чақириб, қонга беланган онасини касалхонага олиб кетди.

Бу Омонтурадани омад кетишининг бошланиши бўлди. На илож, ҳаёт доим бир хил бўлмас экан. Уйни уй деса, аста-секин ширкат ишлари ҳам ортга кетди. Катта қизи эридан ажрашди, хотини ўглига куявериб, касалга чалинди, иккинчи ўгли ичкиликка ружу қўйди. Хуллас, иш орқага кетса кетдики, олдинга юрмади. Атрофида юрган дўстлари ҳам ўз-ўзидан узоқлашиб кетишди.

Ойхон касалхонада узоқ ётди. Боши жароҳатланган экан. Баданлари қўл зарбидан кўкариб кетганди, дўхтирлар милисага ёзиб берамиз дейишди. Лекин Ойхоннинг ўзи, болалари кўнишмади. Оллоҳга солишди. Ойхон эртаю кеч қизларига бахт, ўгилларига омад сўради. Тилаклари бирма-бир ижобат бўлди. Анварни ҳам суҳсурдек қизга уйлантирди. Беш қизи ўзидан тинди. Аваз барака топкур мана ҳажга жўнатди...

Шу пайт қаттиқ шитирлаган товушдан Омонтура чўчиб тушди. Дарахт тепасига қўнган қора қаргани кўриб кўкрагига «туф»лаб қўйди.

— Тавба, бу ниманинг аломати экан, — ўйлади у. — Туғри кириб борсаммикин. Аваз, Анвар турибди, киргизмаса-чи, улар ҳақ. Ахир, ўглим ўшанда ўзини осган бўлса, нима учун синглимга маломат тошини отдик. Билмадим, Оллоҳ иродасига қарши чиқмоқчи бўлгандим чоғи.

— Ия, тоға, бу ерда нима қилиб турибсиз? — Авазининг овозидан Омонтуранинг хаёли бўлинди. — Юринг уйга.

— Ойингни ҳажга жўнатиб зап иш қилибсан. Бир кўриб кетай деб келаётгандим, — деди у зўрга ўнгайсизланиб.

Улар тез-тез қадам ташлаб, кўчанинг у бошидан келаётган одамлар оқимига пешвоз чиқишди, кейин биргалашиб ҳовлига киришди. Аваз акаси билан сўрашиш учун кучоқ очиб зинадан тушаётган онасини кўрди. «Онажон, тўхтанг, кўришманг. Бу одам сизга бир пайтлар озор берган, дилингизни вайрон қилиб, маломат тошларини отган» демоқчи бўлди, лекин фикридан қайтди.

Ойхон акаси билан кўришаркан, қадди тик, нигоҳлари чақноқ эди, Омонтўра эса сингисидан, одамлардан ёш тўла кўзларини олиб қочарди.

Бир пайтлар ноҳақ отилган маломат тошлари энди ўзининг кўзларига қадалаётганини сездирмасликка уринарди.

## ОЧИЛМАЙ ҚОЛГАН КЎЗ

Шерзод Шухратович эндигина уйкуга кетганди. Телефон жиринглади. У чўчиб уйғонди. Ярим тун. Гўшакни кўтарди.

— Зудлик билан шифохонага етиб келинг. Бемор оғриққа чидай олмаяпти. Келасизми?

— Ҳа, ҳозир бораман, — гўшакни қўйиб, кийинишга тушди.

— Вой-во-ей, бир кун ҳам тинчлик йўғ-а, — овоздан уйғонган хотини туриб, унга ёрдамлашди.

— Биласан-ку, ишим шу бўлгандан кейин...

— Биладан. Биладан. Ахир ухлаб дам олишингиз керак-ку. Ҳар куни бўлмаса ҳам кунора шу аҳвол. Эрталабгача кутишса нима қилади?

— Қизиқмисан, бемор эрталабгача қийналиб утираверадими? Дори-дармон қилишган. Демак ёрдам бермаяптики, чақиришяпти. Гаражнинг калитини бер.

— Йўлда эҳтиёт бўлинг. Ярим кечада одам кўрқади.

Шерзод кийиниб, сўнг юзини ювган бўлди. Гараждан машинани олиб чиқди. Калитни хотинига берди. Машина чирогидан ҳовли, кўча ёришиб кетди. Хотини унинг ортидан бир оз қараб турди-да, сўнг дарвозани ёпиб, ётоқхонага йўл олди.

— Ана келиб қолдилар, — деди бемор ёнида турган ҳамшира Шерзод Шухратовични кўриб.

— Умрингдан барака топкур, болам, ёрдам қилмасанг бўлмайди. Ҳеч қачон бунчалик огримаяндинг.

— Ҳозир отахон, ҳозир, — у ичкарига кириб халатини кийди. Қўлини совунлаб ювди. Кейин бемор тепасига келиб, кўзини кўрди.

— Биттасими. Отахон ё...

— Иккаласи болам, иккала кўзим. Назаримда тош қадалаётгандек, биров тош билан ураётгандек тикиляпти. Иложи бўлса, олиб ташла ўша тошни, болам.

— Хўп, ҳозир кўрамай, — деди у ва ҳамширага қараб, — Операцияга тайёрланглар, — деди.

Ҳамширалар югуриб қолишди. Бири беморга укол қилди. Яна бири беморнинг кўзларига дори томизди. Кейин унинг оёқ кийимига алаштириб, жарроҳлик хонасига олиб киришди. Кетма-кет кирган Шерзод Шухратович ҳам оғзига ниқоб тутиб, қўлига махсус қўлқопларни кийди.

— Отахон, кўрмай қолганингизга кўп бўлдимиз?

— Йўқ, болам, авваллари гира-шира бўлса ҳам кўриб турардим. Шу яқин икки-уч ой бутунлай кўрмай қўйдим. Ёруғ дунёни кўрмай қолиш ёмон экан, болам. Бир иложини қилгин.

— Ҳаракат қиламан, отахон, — у беморнинг кўзини махсус линзаларда кўра бошлади. — Чиндан ҳам операция қилмасак бўлмайди. Озгина чидайсиз, майлими?

— Майли болам, майли. Ўзи ёшлигимдан кўзойнақда юрардим. Хира кўрганим учун. Йил утган сайин икки, уч, тўртта ҳам чиқди кўзойнагим. Охириги вақтда олти тақиб юргандим. Вақтида дўхтирга қаратдим.

— Қаратиб юрувдингизми? Бўлмаса нима учун кўрмай қолгансиз?

— Бу Аллоҳнинг иши бўлса керак, болам, Аллоҳнинг иши. Нимадир тикилиб огрияпти-да. Қараб кўргин, нима экан...

— Сизга шунақа туюляпти, отахон. Асли кўзингизнинг касали шунақа огриқ берадиган касал. Ҳозир анестезиолог кирсин.

— У нима қилади?

— Укол қилади. Кейин операция қилсак, оғриқни сезмай ётаверасиз, хупми?

— Майли болам, майли. Лекин кўрмай қолганимни Аллоҳнинг иши дейман-у, асли қарғишдан бўлган, болам, қарғишдан...

— Қуйсанғиз-чи отахон, қарғишданам кўр булар эканми одам.

— Буларкан-да болам, буларкан. Узимдан ўтди-да ушанда.

— Хуш, нима булганда отахон ушанда?

— Йигирма ёшда эдим чоғи. Қундузхон исмли қизга уйландим. Онам топдилар. Жуда гўзал, истарали эди. Чаққон, саришта, озода. Хуллас, бошида жуда бахтли эдик. У домдан келин бўлиб тушди. Бизники катта ҳовли.

Шу ерга келганда чолнинг гаплари Шерзодга қизиқроқ туюлди. Чунки ўзининг онаси ҳам домдан ҳовлига тушганини айтганди. Эслади. Онасининг ЗАГСда тушган суратини бир пайтлар кўрган эди. Куёв жуда келишган, баланд бўйли, қошлари қалин эди. Кузойнаги ҳам ярашиб турганди унга. Онаси эса навниҳолдек нозик, кўзалари чақноқ, жуда чиройли эди. У уша суратни хаёлан кўз олдига келтирди. Бемор сўзида давом этди.

— Лекин у талаба бўлишига қарамай ҳамма ишни қилиб улгурарди. Саҳарлаб туриб ҳовли супурган, чой тайёрлаган. Кийимларимга гард юқтирмасди. Ҳар куни янгилаб берарди. Отам раҳматли жуда яхши кўрардилар. Қизим деб эслари кетарди. Онам эса доим унга танбеҳ бергилари келаверарди. Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилида иш тутардилар. Хотинингга берилиб кетасан деб, кечқурунлари хоналарига чақириб, гаплашиб ўтирардилар.

Отам онамни ёшларни ўз ҳолига қўй, деб уришар эдилар. Лекин онамнинг феъли ёмон эди. Айтгани айтган, дегани деган эди. Энди уйласам уларнинг чизган чизигидан чиқмасдан Қундузхонни анча хўрлаган эканман. Лекин «чурқ» атган товуши чиқмасди.

— Ойижонга айтинг, ўқишимга бориб келай, рухсат сўраб беринг, — деб ёлворарди гоҳи. Мен бўлсам, ўқиб нима, шаҳар олармидинг, деб дўқ урардим. Қайнота, қайнонам доим ўқишдан қолма деб ўқтиришарди унга. Жуда тарбияли

эди. Қушнимиз ўн-ўн бешта қўй боқарди. Қундузхон кучани сув сепиб, супуриб қўярди. Бир оздан кейин қушни қўйларни ҳайдаб утлашга олиб ўтарди. Эшик олди яна боягидек ифлос бўлиб, ахлатга тўларди. Бояқиш Қундузхон ҳар куни яна қайтадан кучани тозалаб қўярди. Бир йил ўтгач. Фарзанд кўрдик. Уғил. Суюнганимдан овозимни етти қўшни эшитган экан. Қундузхон Пединститутнинг охириги курсида эди. Отам вафот этдилар.

Шерзод яна бир сергакланди. Чунки онаси ҳам айнан шу институтни тугатган. Бу орада анестезиолог кириб, беморнинг икки чеккасига укол қилди. У дорининг таъсири кучга киришини уч-тўрт дақиқа кутиши лозим эди. Орага жимлик тушганидан қария яна сўзлай бошлади:

— Энг ачинарлиси шундан кейин бошланди.

— Нима учун?

— Онам унга давлат имтиҳонига бормаيسان, деб туриб олдилар. Қайнонам болага ўзим қарайман, бориб имтиҳонини топшириб келаверсин, дерди. Лекин онам икки оёқни бир этикка тиқиб олди. Мен бўлсам отамдан кейин онамга қийин бўлади деб уйлардим. Нима десалар шунга кўндим. Уз сўзимни айтмадим. Айтолмасдим ҳам. Уғлим уч ойлик бўлиб қолган эди...

Шерзод Шухратовичга ҳам онаси: қайтиб келганимда уч ойлик чақалоқ эдинг, деганди. У ҳамширалар узатган ашёлар билан беморнинг қорачиқ атрофида пайдо бўлган заррачалардан тозалай бошлади. Кўз устини эса қалин парда қоплаганди. У эҳтиёткорлик билан пардани ҳам олишга киришди. Бемор кўрмай қолишининг асосий сабаби шу эди. Оғриқ эса майда заррачалар туфайли.

— Хулаас, у уч ойлик бола билан уйига кетиб қолди. Кетидан боришни ўзимга эп кўрмадим. Гурурим йўл қўймади. Тақдир экан онам тезда бошқасига уйлантириб қўйдилар. Кўникдим. Қундузхонни, болани унутдим. Суд орқали нафақа тўлашим зарур экан. Сира ёдимдан чиқмайди. Онам қандайдир йўлини қилиб, бор-йўғи юз сўм жўнатганлар. Албатта уни олмасдан, алиментдан воз кечган. Шу қилмишим учун ҳамон ўзимни айбдор биламан. Аллоҳ ўзи ҳакам дейишади. Лекин ўшанда қайнонамнинг «Қизим майли-я, лекин болани билмасанг, кўр бўласан» дегани эсимдан чиқмайди.

Кўзим аста-секин хиралашиб бораверди. Иккинчи хотинимдан икки қиз кўрдим. Уғил бўлмади. Биласиз-ку, эркак киши уғли бўлмаса кўнгли тўлмайди. Ёшим ўтган сари ўғлимни соғиндим. Лекин бош эгиб, уни кўришга боролмасдим. Юзим чидамасди. Бунинг устига кўзим хиралашиб борган сари қайнонамнинг гапи ёдимга тушарди.

— Ўғлингизни шу бўйи кўрмадингизми?

— Йўқ. Эшитдим. У жуда чиройли йигит бўлган. Кўпроқ онасига ўхшар эмиш. Уйланганда тўйига боришни ният қилгандим. Бўлмади. Қизларим катта бўлиб қолмаганми, юборишмади.

Шерзод Шуҳратович беморнинг гапларини жим эшитар, қўллари эса заргардек ўта нозик ишни бажарарди. Хаёлида эса тобора ўз болалиги гавдаланарди. Яхши ҳамки, бахтига ойижониси, бобоси бор экан. Оқ юниб, оқ тарашарди. Аяси имтиҳонларини топширди. Олий маълумотли бўлди. Ишга киришди. Шерзод мактабда яхши ўқиди. Олийгоҳни қизил дипломга битирди. Амалиётни аъло ўтади. Кўз касалликлари бўйича илмий иш қилди. Ҳозир энг кўзга кўринган дўхтирлар қатори тилга олишади. Кўз жарроҳлиги бўйича жуда кучли, билимли. Қўли енгил.

— Ўғлимнинг оти ҳам сизникига ўхшаш Шерзод эди, болам. — Бу гапдан дўхтир вужудини ҳаяжон босди. «Мабодо отам эмасмикин» деган фикр юлдуздек ёниб сўнди.

— Отахон қаерда яшардинглар?

— Бешкапада, болам. Эшитганмисиз, Бешкапа маҳалласини?

Шерзоднинг юраги ҳаприқди. Пешонасида реза-реза тер пайдо бўлди. У ўз ҳолатига қайтишга уринди. Ҳозир катта масъулият устида. Инсонга нур бағишлаши, ёруғ дунёни кўрадиган қилиши лозим. Бирон хатога йўл қўйса... У ўта синчковлик ва эҳтиётлик билан иш тутарди. Юрагида пайдо бўлган гумонга аниқлик киритмоқчи бўлди. Чунки онаси ҳам Бешкапага келин бўлиб тушганини эшитганди. У ҳамширадан беморнинг исм-фамилиясини сўради.

— Гуломов Шуҳрат.

Шерзод бемор ўз отаси эканига юз фоида ишонди. Отасиз ўтган болалиги кўз олдида келди. Дўстларининг отаси етаклаган пайтлар уни тоғаси ёки бобоси эркаларди. Уксима-

син дея ҳамма нарсани муҳайё қилишарди. Онаси булса отасиз ўсаётгани учун ўзини айбдордек ҳис қилиб яшади. Ёшлигини, ҳаётини Шерзодга бахш айлади. Чамаси шу ўғлини деб бошқа турмушга чиқмади. Эҳ-хе, қанча армонли, согинчли кунлар ўтмади. Сабабчиси эса бемор.

— Шерзод Шуҳратович! — ҳамшира дўхтирга мурожаат қилаётганда исмини айтиб қолди.

— Тўхта, тўхта, болам, Шерзод Шуҳратович дедингми? Жуда таниш туюлди. Отангизнинг оти Шуҳратми?

Шерзоднинг вужудида галаён бошланди. Бир томонда дўхтирлик вазифаси, иккинчи томонда отасиз ўтган дамлари, онасининг кўз ёшлари, онасининг гулдек умри. Отаси ҳақида сўраганда жавоб беришга қийналган пайтлар, азият чеккани...

— Отам йўқ. Отасиз ўсганман, — деди Шерзод.

Беморда ногаҳон куч пайдо бўлди. У ўрнидан туришга уриниб:

— Мабодо онангизнинг исми Қундуз эмасми, болам? — сўради.

— Қундузхон, — жавоб берди у.

— Демак, сиз ўғлим, ўз фарзандим Шерзод, шунақами? Болажоним...

— Тинчланинг отахон, тинчланинг. — У зарур муолажани ҳамшираларга буюрди. Лекин улар ҳам ушбу учрашувнинг тагига етиб қолишди. Улардан бирининг кўзларида ёш ҳам пайдо бўлди.

Шерзод Шуҳратович эртаси куни бемор кўзидаги бойлогични ечди, кейин сўради.

— Оғриқ тўхтадимми? Энди кўряпсиэми?

Бемор тепасида турган йигитга тикилди. Гира-шира кўрди. Қопш-кўзалари худди Қундузхонникини эслатади. Барваста, келишимли. Ўзининг ёшлигини ҳам эслатади.

— Тўхтади. Оғримаяпти. Раҳмат, болам. Кечир, мени кечир. Қанча яшашимни билмайман-у, лекин бир умрга ўзимни кўр ҳисоблайман, болам.

— Ҳозирча ўрнингиздан турманг. Бирор соатдан сўнг турасиз. Ҳамширалар айтишади.

Шерзод Шуҳратович хонадан чиқишга шайланди. Бемор очилмай қолган кўзалари билан унинг ортидан қараб қолди.

## ДОМАНГИР КЕТГАН ЖОН

Ҳашаматли уй. Ичкарида меҳмонхона. Ерга солинган турк ғиламларига оёгингиз ботади. Махсус буюртма қилиб ишланган жимжимадор олмон жиҳозлари акси биллур қандилларда янада жилоланади.

Хона тўрида каравот, кўкка қараб ётган Ғуломжоннинг рангида қон йўқ. Шу алфозда ётганига ҳадемай уч ой бўлади. Овқат ейиш у ёқда турсин, гапиришга мадори йўқ. Фақат оғзига томизилаётган сув ва дори-дармон билан эплаб туришибди. Ҳар икки-уч кунда ҳушига келиб, уч-тўрт оғиз гапирган бўлади. Уша пайтлар «Ҳеч кимни ётгулик қилмасин, селдек келсину, елдек олиб кетсин» деган гапга ҳайрон бўларди. Энди ўша сўзларнинг маъносини тушунаётган бўлса керак.

Ҳозир ҳам дўхтирлар келиб, унга укол қилишди, қон босимини ўлчашди.

— Жуда қийналиб кетдилар, — деди йиғламсираб хотини Гулсара, — тузалармикинлар?

— Юрак қон томирлари ҳаракати суст. Зарур муолажаларни қиляпмиз, умидли дунё, яна Аллоҳ билади, — жавоб қилди у хонадан чиқатуриб.

— Тўхтаб туринг, нимадир демоқчилар чоғи.

Дорилар таъсиридан Ғуломжон ҳушига келган кўринди. Дўхтир ортга қайтиб, тепасига келди, гапларини англашга ҳаракат қилди.

— Жоним қийнаяпти, асрамаган эканман, домангирман деб уч олаяпти.

— Ўзингизни уринтирманг, чарчаб қоласиз, — деди қошиқда оғзига сув томизиб.

Дўхтир беморнинг бошини кутаришга, ютинишига ёрдамлашди, кейин секин ёстиққа қўйди.

— Жоннинг ҳам жони буларкан, дўхтир. Уни кўп қийнамаслик лозимлигини энди билдим. Вақти келиб домангир бўлиши хаёлимга келмаганди.

— Ҳа, ҳа, кўп одамлар бунини кеч тушунишади.

— Афсус, — Ғуломжон бу сўзни базўр айтди-ю, яна кўзини юмди.

— Майли, дам олсинлар, — ишорасини қилди, кейин ингичка узун гилам тўшалган зинадан пастга тушатуриб, — иложи бўлса биринчи қаватга кўчирсанглар яхши бўларди, — дея қўшиб қўйди.

— Кеча акалари ҳам айтишганди. Ҳали келишганда эслатарман, — Гулсара уни кузатишга чоғланди.

— Ёнларида бўлиб туринглар. Ёлғиз қолмасинлар, кечки пайт яна хабар оламан.

— Жон ҳам домангир норизо бўларкан-да, — Гулсара ушбу сўзни қайта-қайта такрорлар, мағзини чақишга уринарди.

... Гуломжонни ўзи танлади, жуда оддий яшашарди. Биринчи дўхтири, бири ўқитувчи, эл қатори кунлари ўтарди. Замон, давр ўзгарди. Биров «бизнес»га, биров «тадбиркорлик»ка, биров «банк»ка урди. Ҳар қанча давлат орттириш имкони туғилди, эр-хотин биргаликда иш бошлашди. Ишлари юришгандан-юришди. Чет элдан контейнерда мол олиб келишди. Аввалига Гулсаранинг ўзи бозорда туриб савдо қилди, Гуломжон етказиб турди. Куп ўтмай оёққа туриб олишди. Иш бошлашга олган қарздан ҳам қутулишди. Дўкон очишди. Ораули дунё, участка бошлашди. Нақ уч қават, хоналари ҳам йигирматача бор. Ҳаммасига хориждан гилам, жиҳоз, ҳатто пардалар олиб келишди. Янги ҳовлида ўглини суннат қилиб, элга ош берди. Иморатини гапирмаган одам қолмади. Узиям роса ҳашаматли, дангиллама эди. Гулсара болаларим деб уйда қолди. Гуломжон ёнига бир-икки ёрдамчиларни олди. «Бизнес»нинг пири бўлиб кетди. У шунчалик ишга киришиб кетдики, ҳатто кеча-кундузни ҳам унутди, ҳафталаб, ойлаб хорижда қолиб кетишга ҳам тўғри келди. Чидади, нега чидамасин, ахир давлат, молу дунё сувдек оқиб келарди. Баъзилар бундай ҳолларда эсанкирайди ҳам. Гуломжон ҳам пул топди, ҳам ақл. Гулсаранинг гапи билан қуруқ ер сотиб олди, иккинчи участкани бошлади. Акаси шунча «Нима кераги бор» дейишига қулоқ солмади. Бунисини аввалгисидан ҳам каттароқ қилишга уринди. Ўзини ўтга, чўгга урди. Тинмади. Ҳаракатда баракат, деганлари рост экан. Бу уйни ҳам тезда кўтариб олди. Пул бўлса чангалда шўрва, дейдилар. Ваннадан тортиб қувуригача хориждан олиб келди. Хоналарни безаб, ижарага берди. Ҳар ойига яна даромад

кела бошлади. Шу зайл омад деган юришгандан-юришиб кетаверди.

Шу орада тоби қочди. Юраги хуруж қилди чоғи, Гулсарининг юраги чиқаёзди. Жигарчилик, акаси йиққан дунёларинг етти пуштингга етади, ўзингни ҳам ўйлагин деб неча маротаба айтди, қулогига олмади. Соғлигини бир оз тиклаб олгач, яна ҳаракатга тушди. Бу орада утлига ҳам ўзиникига ўхшаган «Мерс» олиб берди. Иккита «Жип»ни ҳар эҳтимол гаражга ҳайдаб қўйди. Узига ўхшаб ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган дўстлари орасида ҳурмати ошиб кетди. Қаерга борса, жойнинг тўри уники бўлди. Улфатларининг саноғи йўқ эди. Гуломжон улар билан камдан-кам кўришар. Купроқ «пул» дарди билан банд эди. На уйқу, на дам олишни билмасди. Энди бўлса...

Гулсара саргайиб кетган юзига қараркан, шуларни ўйлади. «Бўлди, ҳамма нарса етарли. Ўзингиз ҳам дам олинг, соғлигингизни ўйланг» деб аввалроқ айтмаганига ўқинди. Айтгани билан гапига кирармиди, кирмасди. Остонасини «тилло»дан қилди, энди бўлса жони азобда, озиб-тўзди. У ҳам майли-я, кечалари «инграб» безовталаниши-чи...

Кечга яқин акаси хабар олгани кирди. Гулсара духтирининг гапини етказди. Бу «умид йўқ» дегани эди. У чуқур «уҳ» тортди, кейин укасининг ёнига келиб, юзига қаради. Ортга кетса кетяптики, олдинга силжиш йўқ. Тузалса кошкйди-я... Ахир жон чиқиши ҳам шунча қийин бўладими?

— Ҳушига келмадими? — сўради у.

— Боя уколнинг кучи билан гапирдилар. Духтирлар ҳам шу ерда эди.

— Нима деди?

— Жоним домангир бўляпти, кўп қийнаган эканман, — дедилар.

— Шундай бўлишини билувдим, — акаси тиззасига шапатилаб ўрнидан туриб кетди, — минг марта айтдим. Бойлик, давлатнинг «лати» бўлади. Кўп жонингни қийнама, унияма савол-жавоби бор, деб. Қулоқ солмади, мана оқибати.

— Бунақа қийналишларини билибдилар дейсизми, билманлар-да. Аллоҳнинг иродаси.

— Тўғри, Аллоҳ буюргани. У доимо ўз бандаларини синайди. Бировга давлат беради, бировга омад, бировга бахт,

бировга умр, бировга гам-андух, жон ҳам омонат берилган асосий неъмат, асрамасанг, унияам суроғи бор-да...

Томоқдаги огриқ кучайди чоғи, Гуломжон ихранди. Акаси тепасига келиб, юзини силаган бўлди. Назарида кечагидан ҳам озиб, суяклари бўртиб кетганди.

— Жоним домонгир, — деди у яна базур.

Гулсара шу дам бутун йиққан молу дунёсини, дуру жавоҳирларини, ойлар давомида ҳеч ким кирмайдиган, аммо безаб қўйилган йигирмага яқин хоналардаги бор нарсасини эрининг жонига садқа қилишга тайёр эди. Фақат у ҳушига келса, тузалса...

— Нима қилсак экан, — деди у қайноғасига қараб.

У гамгин нигоҳларини Гуломжондан узмай, елка қисди. Ташқарида эса яна тун бошланди.

## ТАБАССУМ

Қуёшни севаман, унинг табассуми гоят гузал. Ажабо, қуёш бундай иссиқ табассумни кимдан ўргандийкин?

Дейдиларки... Қадим замонда, коинот ҳали ёруғлик кўрмаганида, кўкда сайёралар ҳам жилмайиш билмаганида одамзод пайдо бўлибди. Кунларнинг бирида у фарзанд кўрибди. Жигаргўшасини бағрига босганича қоронғи йўлдан борар, вужудини чексиз шодлик қамраб олган экан. У қоронғуда ҳам фарзандининг нурли юзидан кўзини узоқмас экан. Анчагина жойга борганда у сувнинг шилдираган товушини эшитибди. Она гўдакни қўйиб, ариқ томон юрибди. Онанинг иссиқ бағри ўзидан узоқлашганини сезган гўдак йиғлай бошлабди. Она сув ичар-ичмас тез орқасига қайтибди. Она гўдагини қўлига олиши билан бола шундай сеҳрли, гузал жилмайибдики... Гўдакнинг бу биринчи табассуми соф, чиройли, бегубор эди. Бу табассумдан бутун мавжудот ҳайратда қолибди, омон жисмлари ҳам жилмайишибди. Қуёш эса «мен ҳам шундай бегубор кула олармиканман?» деб орау қиларкан, секин-аста чехрасига табассум ёйила бошлабди. У кулган сайин борлиқ ёришиб, атрофда ёқимли овозлар эшитилибди. Бу ҳолдан севинган она фарзандининг чехрасига боқиб тўймаб-

ди. Ҳаммаёқда шодлик тароналари янграпти. Шунда она қуёшга қараб: «Эй қуёш, кулавер, нуригдан олам баҳра олсин!» деб ҳайқиритти. Қуёш эса онага қуллуқ қилиб, гудакни яраттанинг учун сенга ташаккур, чунки кулишни мен гудакдан ургандим, омон бул, она!» депти.

\* \* \*

Уйимизда гудак бор. У атрофга жилмайиб қарайди, хонага нур ёйилади, бегубор нур... Ҳа, уйимизда гудак бор — қуёш бор. Бахти қуёшдай порлоқ.

---

---

## МУНДАРИЖА

### Аёл ғавилати билан ғузал

(лавҳалар)

Ирода . . . . .	4
Бир ҳовуч ибо . . . . .	6
Покизалик, поклик . . . . .	7
Таманнолик . . . . .	10
Лобарлик — чаққонлик . . . . .	12
Андиша ва назокат . . . . .	13
Зеболик ва зукколик . . . . .	15
Сабру қаноатлилик . . . . .	17
Одамохунлик . . . . .	18
Уч хонадон, уч манзара . . . . .	20

### Яхшилардан сўз очдик

(мақолалар)

Умр — ипга терилган маржон . . . . .	26
Нурхон ая гап берди . . . . .	28
Ғузаллик салтанати . . . . .	32
Умрлар бўладики . . . . .	35
Азобларда топилган роҳат . . . . .	39
Уч сабоқ . . . . .	42
Шундай кунлар келади . . . . .	44
Шарофатли аёл . . . . .	53
Меҳр қолур, муҳаббат қолур . . . . .	57
Дуст бўлсанг ёнимда тур . . . . .	60

### Воқеий ҳикоялар

Маломат тоши . . . . .	64
Очилмай қолган кўз . . . . .	67
Домангир кетган жон . . . . .	73
Табассум . . . . .	76

МУҚАДДАС СОЛИХ ҚИЗИ  
**ФАЗИЛАТИМ — ФОЗИЛАЛИГИМ**

*Мақолалар, воқеий ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2006

Расм Р. Эгамбердиев  
Муҳаррир Э. Мирзаҳақимова  
Бадий муҳаррир Б. Бобожонов  
Техник муҳаррир Р. Бобоқонова  
Саҳифаловчи М. Атамова  
Мусаҳҳиҳлар: Ю. Бизаатова, Н. Охунжимова

Теришга берилди: 28.02.06. Босишга ружсат этилди 22.05.06. Бичими 84X108<sup>1/12</sup>.  
«Академия» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоги 4,20. Нашриёт-ҳисоб  
тобоги 3,63. Адади 3000 нуска. Буюртма № 2353. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**